Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 177 (20. 444) • 1989 йил 30 июль, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

Комиссия мажлиси

28 июль куни Кремлда СССР халқ депутатлари съезди тузган СССРда конституцион назорат тўғрисидаги СССР қонуни лойиҳасини тайёрлаш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси СССР халқ депутати, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Д. А. Керимов олиб борди.

Комиссия томонидан тузилган, СССР халқ депутатлари, олимлар ва мутахассислардан иборат ишчи группа тайёрлаган қонун лойиҳасининг дастлабки варианти муҳокама қилинди.

(ТАСС).

МАМЛАКАТНИНГ АГРАР СЕКТОРИГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

27 июль куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев Россия Федерациясининг қаттиқ қурғоқчилик бўлган бир қанча областлари ва автоном республикалари раҳбарлари билан учрашди.

Қишлоқ хўжалигидаги ишлар аҳволи, айниқса ҳосилни йиғиштириб олиш, маҳсулотни харид қилиш ва қайта ишлаш, колхозлар, совхозлар ва аҳоли чорвасини озуқалар билан таъминлаш аҳволи кўриб чиқилди.

Бу масала хусусида В. П. Никонов ахборот берди. У мамлакат бўйича етиштирилган ҳосилга ҳозирча баҳо бериш имконияти йўқ, деб таъкидлади, лекин шу нарса равшанки, Украинада, Шимолий Кавказ районларида, Марказий Қоратупроқ зонасида, Волгабўйи ва РСФСРнинг марказий районларида, Молдавияда, Белоруссияда, Болтиқбўйи республикаларида донли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан яхши ҳосил етиштирилди. Интенсив технологиялар ва иқтисодий муносабатларнинг янги формаларини қўллаётган кўпгина хўжаликлар, ижара ва пудрат коллективлари шундай ҳосил етиштирдиларки, илгари сира бунчалик хирмон кўтарилмаган эди. Колхозлар ва совхозлар давлатга пешма-пеш дон сотмоқдалар.

Айни вақтда Бошқирдистон, Челябинск, Омск, Курган, Новосибирск, Свердловск, Пермь областлари ва бошқа бир қанча областлар ва республикалар қурғоқчилик сабабли катта талафот кўрдилар. Айни вақтда кўпгина хўжаликлар сурункасига икки-уч йилдан буён табиий офат зарбаларига дуч келишмоқда. Буларнинг ҳаммаси ишда катта қийинчиликлар туғдирди, маҳсулотнинг планда белгилаб қўйилган ҳажмларини олиш мураккаблашди. Вазият жойларда ҳам, марказда ҳам шошилинч тарзда фавқулодда тадбирлар кўришни талаб қилмоқда.

Шу қишлоқ хўжалик йилининг таркиб топган вазиятдаги долзарб вазифаларини, аввало чорвадорлар бир маромда ишлашини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ана шундай вазифаларни муҳокама қилишда КПСС область комитетларининг биринчи секретарларидан: Омскдан — Е. Д. Похитайло, Челябинскдан — Н. Д. Швирев, Бошқирдистондан — Р. Х. Хабибуллин, Курғондан — А. Н. Плеханов, Свердловскдан — Л. Ф. Бобикин, Тюмендан — Г. П. Богомяков, Пермдан — Е. Н. Чернишев, Томскдан — В. П. Зоркальцев, Вологдадан — В. А. Купцов, Удмуртиядан — П. С. Гришченко, Бурятия АССР Министрлар Советининг Раиси С. Н. Булдаев, Новосибирск область ижроия комитетининг раиси В. А. Боков иштирок этдилар.

Учрашувда шунингдек Е. И. Сизенко, Е. К. Лигачев, Л. А. Воронин, П. И. Мостовой, В. С. Павлов, П. А. Паскарь сўзга чиқдилар.

Пировардида М. С. Горбачев нутқ сўзлади. У бундай деди: биз бу кенгашга кутилмаган об-ҳаво шароитлари туфайли, рўй-рост айтадиган бўлсак, жўн бўлмаган вазият вужудга келаётган РСФСР республикалари ва областларининг раҳбарларини таклиф этдик. Бу ўринда гап мамлакатнинг жуда муҳим саноат марказлари — жуда кўп миқдорда металл, нефть, газ, машинасозлик маҳсулоти ва бошқа саноат маҳсулотлари етказиб бераётган марказлар жойлашган регионлардаги вазият ҳақида бормоқда.

Ана шу районлардаги колхозлар, совхозлар, агросаноат комплексининг барча корхоналари ва ташкилотларининг бир маромда ишлаши катта сиёсат масаласидир. Чунки бу миллионлаб одамларнинг манфаатларига дахлдордир. Биз ушбу зона аграр секторига содир бўлган вазиятдан жуда кам чиқим ва талафотлар билан чиқиши учун ёрдам бериш мақсадида барча ишларни қилишимиз керак.

Шу муносабат билан нималар қилиш керак? Қурғоқчилик сабабли ҳосил камроқ олинадиган бўлса, яхши ҳосил етиштирилган регионларда маҳсулотни иложи борича кўпроқ олиб бунинг ўрнини қоплашимиз керак. Бунинг учун катта ташкилотчилик ва хўжалик иши, деҳқонларнинг эҳтиёжларига кундалик диққат-эътибор зарур, бу имкониятлардан аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун иложи борича кўпроқ фойдаланиш керак.

Ҳамма ерда иложи борича озуқа ресурсларини кўпайтириб бораверш лозим. Чунки жамоат секторида ва гражданларнинг шахсий хўжаликларида чорва моллар туёғини асраб қолиш, чорвачиликда сусайишга йўл қўймаслик даркор, чунки бу тармоқдаги бой берилган позицияларни тиклаш учун кўп вақт ва катта харажатлар талаб этилиши маълум. Бундай шароитда чорва қишловига барвақт тайёргарлик кўриш, аҳолига озуқа билан ёрдамлашиш айниқса муҳимдир — бу маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг самарали ва энг кам вақт сарфланадиган йўлидир. Ҳамма ерда картошка ва сабзавот тайёрлаш, шу маҳсулотлар билан уюшган ҳолда савдо қилиш ҳақида ғамхўрлик қилиш керак.

М. С. Горбачев учрашув қатнашчилари диққат-эътиборини жойлардаги барча резервлар ва имкониятлардан тўла фойдаланиш зарурлигига қаратди. Шундай қилсак, масалан, озуқани четдан қидиргандан кўра ишончлироқ ва арзонроқ бўлади. Табиийки, бу ўринда шаҳарларнинг мадади талаб этилади ва шундай мададни бериш керак. Ноқулай иқлим вазиятига дуч келган агросаноат комплекси районларининг муаммолари Россия Федерацияси, ССР Иттифоқи ҳукумати, КПСС Марказий Комитетининг эътиборида бўлиши керак. Ушбу регионларга реал ёрдам керак. Бу молиявий ва моддий-техникавий ресурслар ажратишга, хўжаликларнинг бир қисмига эса уруғлик, озиқ-овқат ссудалари, омихта ем ажратишга дахлдордир.

Одамлар тўғрисида, далалар ва фермаларда ишлаётганлар, ижарани, хўжалик ҳисобини ўзлаштираётганлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, колхозлар ва совхозларнинг нормал хўжалик фаолияти учун шарт-шароитлар яратиш зарур. Партия, совет органлари, бошланғич партия ташкилотлари, раҳбарлар ва мутахассислар бевосита меҳнат коллективларида ишни кучайтиришлари даркор. Ҳар бир киши шу иш билан батафсил ва масъулиятни сезиб шуғулланиши лозим бўлади.

(ТАСС).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

29 июль куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XV пленуми бўлди, пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Пленум бошқа ишга ўтиши муносабати билан В. П. Анишчевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси ва Марказий Комитетининг иккинчи секретари лавозимларидан озод қилди. Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси бўлиб ишлаган А. С. Ефимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси ва Марказий Комитетнинг иккинчи секретари этиб сайланди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ш. З. Камолхўжаев ва Д. Д. Берковнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан Марказий Комитет комиссияларининг иши тўғрисидаги ахборотларини тинглади.

Пленумда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Фарғона областидаги воқеалар тафсилотларини ўрганиш юзасидан тузилган комиссиясининг иши тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан бўлган музокараларда Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри П. Нуъмонов, Тошкент олий партия мактаби кафедрасининг доценти С. Р. Ризаев, Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги бошқармасининг бошлиғи Э. Ғ. Ғофуржонов, «Узбекпромстройматериали» территориал бирлашмасининг инженер-технологи К. П. Дудин, Урта Осиё темир йўли юк ташиш хизмати бошлиғининг ўринбосари Ғ. З. Заҳриддинов, республика «Билим» жамияти правлениеси раисининг биринчи ўринбосари С. Қурбонов, «Советская культура» газетасининг ўз мухбири В. Р. Ниёзматов, В. И. Ленин номли Совет болалар фонди Ўзбекистон республика бўлими раисининг биринчи ўринбосари И. Т. Юсупова, Тошкент олий партия мактаби ректори М. Искандаров, Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари Ю. М. Сажнев, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Сирдарё область ижроия комитетининг раиси А. А. Айдарқулов, Навоий район партия комитетининг биринчи секретари М. С. Холиқов, Қонимех районидаги «Шофиркон» совхозининг бош чўпони Н. Бердиев, Сирдарё область халқ контроли комитетининг раиси Б. М. Маҳмудов, Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министри Л. А. Аҳметов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимининг академик секретари А. Асқаров, Навоий кон-металлургия комбинатининг директори Н. И. Кучерский, «Главсредазнефтегазстрой» территориал бошқармаси бошлиғининг ўринбосари И. К. Бўриев, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Б. Алламуродов, Бағдод районидаги «Пахтакор» колхозининг раиси А. Абдусаматов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Ёдгоров, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Юсупов, «Узселхозхимия» республика ишлаб чиқариш-илмий бирлашмасининг раиси Т. Йўлдошев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссиялари составига қисман ўзгаришлар киритилди.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов пленумда якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. Н. Лаврентьев иштирок этди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини якунлади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Илгари хабар қилинганидек, 20 июлда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги бюроси бўлди, унда Фарғона областидаги фожиали воқеалар ҳамда партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Қабул қилинган қарорда бу хусусда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Марказий Комитет XIV пленуми қарори билан тузилган комиссияси маълумотномасида баён қилинган хулосалар ва қоидаларга қўшилиш ифодаланган (комиссиянинг бу маълумотномаси эълон қилинмоқда).

Фарғона областидаги фожиали воқеалар энг аввало область партия комитети бюроси, область ижроия комитети, жойлардаги партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан йўл қўйилган жиддий нуқсонлар ва хатоларнинг натижаси эканлиги тан олинди. Улар кескин ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўткирлашиб кетиши хавфини олдиндан кўра билмадилар, миллатлараро адоватни келтириб чиқаришга, аҳолининг диний ҳис-туйғуларидан вазиятни кескинлаштириш ва бекарор қилиш учун фойдаланишга ҳаракат қилган қайта қуришга қарши, миллатчилик кайфиятидаги ва порага сотилган кимсаларга етарли баҳо бермадиларгина эмас, балки баъзан ўзлари уларга йўл қўйиб бердилар. Турк миллатига мансуб айрим шахсларнинг миллатлараро муносабатларни кескинлаштиришга уринишларига ва кўчиш кайфиятларига чек қўйилмади.

Қарорда таъкидланадики, Фарғона областида юз берган воқеаларнинг сабаби кўп жиҳатдан партиявий-сиёсий ишларнинг, кадрлар ва идеология ишининг ғоят қониқарсизлигидир. Кўп йиллар давомида бу ерда кадрлар танлаш қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик муносабатлари принциплари асосида амалга оширилди. Бу эса бир-бирини қувватлаш ва ўзбошимчаликни келтириб чиқарди. Ўз обрўсини тушириб юборган ва ишини барбод этган раҳбарларга ҳамиша ҳам қатъий партиявий баҳо беравермади. Область, шаҳар, район партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ва аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фавқулодда шароитда ўзларини йўқотиб қўйдилар, тартибсизликларга қатъий чек қўйиш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланмадилар. Касаба союз ва комсомол ташкилотлари оқизлик қилиб қолди. Ички ишлар органлари одамлар ва халқ хўжалик объектлари хавфсизлигини муҳофаза қилиш вазифаларини уддалай олмадилар. Фарғона область партия комитетининг шу йил 21 июнда бўлиб ўтган бюроси ҳам ўзи йўл қўйган хато ва нуқсонларни етарли даражада ўз-ўзини танқид ва принципиаллик руҳида баҳолай олмади, областдаги ижтимоий-сиёсий вазифани нормал изга солишнинг самарали чорасини белгилай олмади. Бюронинг раҳбар коммунистларга нисбатан қабул қилган қарори муросасозлик деб баҳоланди.

Қарорда Фарғона областида юз берган фожиали воқеалар учун партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарларининг масъулияти белгилаб берилди. Партиявий раҳбарлик савиясининг пастлиги, кадрларга нисбатан тегишлича талабчанликнинг йўқлиги, областда вужудга келаётган носоғлом маънавий-сиёсий вазиятга етарли баҳо бермаслик, областдаги аҳволни барқарор қилиш юзасидан чора-тадбирлар кўришдаги қатъиятсизлик учун область партия комитетининг биринчи секретари Ш. М. Ийлдошевни партиявий йўл билан қаттиқ жазолаш ва уни вазифасидан бўшатиш лозимлиги таъкидланди, бироқ у мазкур лавозимда яқин вақтдан буён ишлаётганлигини, ўзи йўл қўйган хатоларни англаб етганлигини ҳисобга олиб, унга КПСС аъзоси учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди.

Халқ депутатлари Фарғона область Советининг сессиясига тегишлича раҳбарликни таъминламаганлиги, областни социал-иқтисодий ривожлантириш, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш вазифаларини ҳал қилишда изчил иш тутмаганлиги, оммавий тартибсизликлар даврида пассивлик қилганлиги учун область ижроия комитети раиси Х. Мажидовнинг эгаллаб турган лавозимида қолиши мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини кўриб чиқиш тавсия этилади. Унинг партиявий жавобгарлиги соғайганидан кейин кўриб чиқилади.

Партия, совет ва комсомол ташкилотларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига раҳбарликдаги камчиликлар учун, оммавий тартибсизликларга чек қўйиш билан боғлиқ принципиал масалаларни ўз вақтида ҳал қилишни таъминламаганлиги учун область партия комитетининг секретари А. В. Козирга КПСС аъзоси учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлимига А. В. Козирнинг бундан буёнги иши тўғрисида таклиф киритиш топшириляди.

Идеология ва сиёсий-тарбиявий ишларни ташкил этишдаги жиддий нуқсонлар ва камчиликлар учун, идеология фаоллари ва коммунистларни областдаги жамиятга зид турли ҳодисаларга қарши курашга сафарбар этиш юзасидан тегишли чораларни кўрмаганлиги учун область партия комитетининг секретари Т. А. Эгамбердиева вазифасидан бўшатилди. Фарғона область партия комитети бюросининг қарори билан унга КПСС аъзоси учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Область партия комитетининг секретари А. Р. Мамаказинга КПСС аъзоси учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор, область партия комитетининг секретари Б. А. Ашрафхоновга қаттиқ виговор берилди.

Милиция органлари ишини барбод қилганлиги учун область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи С. Ю. Бурҳонов бундан буён эгаллаб турган лавозимида қололмаслиги тан олинди. Унинг партиявий жавобгарлиги соғайганидан кейин кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси Давлат хавфсизлик комитети Фарғона область бошқармаси бошлиғи Н. Г. Лесковга КПСС аъзосининг учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилингани ва у эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш тўғрисида рапорт берганлиги, Ўзбекистон ССР ички ишлар министри У. С. Раҳимов ўз лавозимидан кетиш тўғрисидаги илтимос билан ариза ёзганлигини ахборот учун қабул қилди.

Республика прокурори, коммунист Д. А. Усатовнинг диққат-эътибори прокуратура органлари иши устидан назоратнинг суслиги, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш устидан прокурор назоратини амалга оширишдаги камчиликлар, тартиб бузишларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашни мувофиқлаштириб туришдаги камчиликларга, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети раиси, коммунист А. С. Моргасовнинг диққат-эътибори қўл остидаги бўлинмаларга раҳбарликни кучайтириш зарурлигига, жойларда профилактика ишини амалга оширишдаги камчиликларга қаратилди. Д. А. Усатовга Фарғона областидаги прокуратура органлари фаолиятини комплекс текшириб чиқиш топширилди. Текшириш натижалари республика прокуратураси кенгайтирилган коллегиясининг мажлисида кўриб чиқилсин ва зарурат бўлса Фарғона область прокуратураси билимдон кадрлар билан мустаҳкамлансин.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети, Ўзбекистон ССР Прокуратураси, Ўзбекистон ССР Адлия министрлиги, Ўзбекистон ССР Олий судининг коммунист раҳбарларига қисқа муддат ичида республикада маънавий-психологик вазиятни соғломлаштириш, жамоат тартибини ўрнатиш, оммавий тартибсизликларнинг профилактикаси ва уларнинг олдини олиш, фавқулодда вазиятларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тадбирлар кўриш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси Марказий Комитетнинг бўлимлари, область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига миллатлараро муносабатларни соғломлаштириш вазифаларини зудлик билан ҳал этишга ўз куч-ғайратларини жамлаш, бу вазифани партиявий-сиёсий ишнинг энг муҳим участкаси деб қараш вазифасини юклади, одамларнинг осойишталиги ва ҳаловаги, умуман кўпмиллатли давлатнинг тақдири кўп жиҳатдан миллатлараро муносабатларни соғломлаштириш вазифасини ҳал этиш билан боғлиқдир.

Бутун партиявий-сиёсий ва тарбиявий фаолият, деб уқтирилди қарорда, М. С. Горбачевнинг 1989 йил 1 июль куни Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқи асосида авж олдирилиши керак. Ушбу ишга партия ташкилотларининг энг яхши кучларини, бутун партия фаолларини, ижодкор зиёлиларни жалб этиш, одамлар билан дадил ошкора мулоқот қилиш, ирвогарлар ва экстремистларга, республикада яшаётган барча миллатлар ва элатлар ўртасидаги муносабатларнинг байналмилал асосларига тажовуз қилаётган сапъат ва ижодкор зиёлилар айрим намояндаларининг ғоявий жиҳатдан заварли чиқишларига қатъият билан зарба бериш зарур. Миллатлараро негизидаги норозиликлар ёки можароли вазиятларнинг ҳар бири синчковлик ва диққат-эътибор билан ўрганилсин, пайдо бўлаётган муаммолар осойишта ва амалий вазиятда ҳал этилсин.

Партия комитетларига партия ходимларини бадном этишга, партияга ва социалистик тузумга ҳужумларга қатъият билан зарба бериш, ҳар бир партия ташкилоти ҳаракатларининг аниқ-равшан программасига эга бўлиши, омма ўртасида сиёсий иш олиб бориши, ошкора ҳаракат қилиши, одамларнинг турмуши билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишга ёрдам беришига изчиллик билан эришиши тавсия этилди. Бунинг учун шахсий жавобгарлик партия комитетларининг биринчи секретарлари зиммасига юкланди.

Қарорда Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Андижон область партия комитетлари аҳоли ўртасида зарур тарғибот иши ўтказа олмаганликлари, миллатлараро муносабатдаги кескинликни ўз вақтида бартараф этмаганликлари, месхети туркилари вакилларини бир қисмининг республикадан ташқарига кўчиб кетишига йўл қўйишгани таъкидланди. Шу муносабат билан Фарғона воқеаларидан кейин республикадан чиқиб кетган месхети туркиларининг Ўзбекистонга қайтиб келиши учун, республикадаги турли миллатларга мансуб кишилар осойишта яшаб меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим вазифа, деб сўсоблансин. Партия, совет ташкилотлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, ҳар бир меҳнат коллективининг куч-ғайратлари ана шу мақсадга қаратилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика Давлат план комитети, Давлат агросаноат комитети, Давлат қурилиш комитети, республика министрликлари ва идораларига Фарғона водийси областларининг экономикаси турғунлик ҳолатларини бартараф этиш, устун социал вазифалар, аввало Уйжой ва Озиқ-овқат программаларини бажариш, иш билан банд бўлиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва экологик вазиятни соғломлаштириш юзасидан тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таклиф этилди. Халқ хўжалигини жадал ривожлантириш масалалари одамларнинг маданий ва маънавий даражасини кўтариш билан узвий тарзда қўшиб олиб борилсин.

Иттифоқ органларининг қарорлари талаб этиладиган масалалар юзасидан СССР Министрлар Советига таклифлар тақдим этилсин.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига вазиятни барқарорлаштириш, миллатлараро негизидаги тўқнашувларнинг сабабларини ва оқибатларини бартараф этиш юзасидан амалий тадбирлар кўриш ҳамда бу борадаги ишларни яхшилаш таклиф этилди.

Оммавий ахборот воситаларига совет халқлари дўстлигини кенг тарғиб этиш, байналмилал бирликнинг қайта қуриш тақдиридаги аҳамиятини конкрет мисолларда кўрсатиб бериш топширилди. Матбуотда эълон қилинаётган мақолаларда, телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларда содир бўлаётган воқеаларга билимдонлик, холислик ва вазминлик билан баҳо беришга эришилсин, миллий такаббурлик ва худбинликнинг ҳар қандай кўринишларига ҳам, шовинистик руҳдаги кўринишларга ҳам қарши муросасиз курашилсин. Жамиятда шубҳа ва миш-мишлар келтириб чиқарадиган бирон бир воқеага баҳо беришга ва бу хусусда матбуотда шошма-шошарлик билан материаллар эълон қилишга йўл қўйилмасин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссиясининг маълумотномаси

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАГИ ФОЖИАЛИ ВОҚЕАЛАР ҲАМДА ПАРТИЯ, СОВЕТ ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

1989 йил 23 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми Марказий Комитет комиссиясини тузди, унга манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Фарғона областидаги фожиали воқеаларнинг сабабларини ва унинг тафсилотларини жойларнинг ўзида пухта ўрганиш, бу воқеаларга сиёсий баҳо бериш ҳамда партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жавобгарлиги тўғрисида таклифлар киритиш топширилган эди.

Комиссиянинг иши давомида меҳнаткашлар билан, партия, совет активлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари билан, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жавобгарлиги тўғрисида ходимлари билан жуда кўп учрашувлар бўлиб ўтди. Воқеалар билан боғлиқ ҳужжатлар, шифрограммалар, хатлар ва бошқа материаллар ўрганилди. Комиссия Фарғона областида можаронинг вужудга келишига олиб келган объектив ва субъектив сабаблар комплексини аниқлашга асосий эътибор берди.

Комиссия муаммони бир томонлама кўрсатишга, уни соддалаштиришга, фожианинг бошланишини турмуш можаролари билан боғлиқ қилиб қўйишга ҳар қандай уриниш масъулиятсиз ва сиёсий жиҳатдан зарарли позиция бўлур эди.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми 1989 йил 28 июлдаги Фармонлари билан Арманистон ССРдаги зилзила оқибатларини тугатишдаги мардлиги ва фидокорлиги учун, озор чекканларга ёрдам беришга катта шахсий ҳисса қўшган совет гражданларининг биринчи группасини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

Мукофотланганлар орасида кўмир саноати, қора ва рангли металлургия, ҳарбийлаштирилган қисмларнинг тог қутқарувчилари, ВЛКСМ Марказий Комитети ва ВЦСПС томонидан тузилиб, зилзиладан кейинги дастлабки соатларда-ноқ офат содир бўлган районларда ишлаган кўнгилли қутқариш отрядларининг аъзолари бор. Улар чет эллик мутахассислар билан биргаликда минг-минглаб одамларни қутқариб қолдилар.

Фожиадан кейинги дастлабки кунлардаёқ ўз техникаси билан етиб келиб, вайроналарни йиғиштириб олиш, қурилиш учун жойларни тозалаш ва зилзила жабрдийдаларига ёрдам беришда фидокорона меҳнат қилган қурувчилар, автомобиль ҳайдовчилари, кран машинистлари Ватан мукофотларига сазовор бўлишдан.

Мукофотланганлар орасида жуда оғир шароитларда одамлар ҳаётини қутқариш, жабр кўрганларга юқори малакали медицина хизмати кўрсатишга оид кенг кўламдаги кўчириш, даволаш-профилактика ва санитария чоралари ва юқумли касалликлар тарқаб кетишига қарши тадбирлар кўрган врачлар, медицина ҳамширалари ва бошқа медицина ходимларининг катта группаси бор. Меҳнаткашларнинг ана шу тоифалари вакиллари барча мукофотланганларнинг 90 процентдан кўпроғини ташкил этади.

Халқ хўжалиги турли тармоқларининг алоҳида ўрнак кўрсатган мутахассислари, айрим корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, касаба союз ва комсомол активлари, Ленинакан, Спитак, Кировакандa бевосита ишлаган ва жабр кўрган районлар аҳолисининг тиришқилигига таяллуқли энг муҳим масалаларни муваффақиятли ҳал қилган министрликлар ва идоралар штабларининг вакиллари ҳам мукофотландилар.

Фармонлар «СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Советининг ведомстволари»да тўла эълон қилинади.

(ТАСС).

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАГИ ФОЖИАЛИ ВОҚЕАЛАР ҲАМДА ПАРТИЯ, СОВЕТ ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Комиссия областдаги айрим партия ва совет ходимларининг содир бўлган тартибсизликлар гўё бутунлай кутилмаган воқеа бўлди, деб кўрсатишга уринишларини ҳам асоссиз, деб ҳисоблайди. Тегишли органлар, меҳнаткашлар миллатлараро негиздаги салбий кўринишлар тўғрисида партия комитетларига кўп марта хабар қилганлар.

Май ва июнь воқеаларидан анча олдин миллатлараро муносабатлар кескинлаштирилган. Советларга қарши ва миллатчилик руҳидаги варақалар тарқатиш фактлари юз берган, бу варақаларда маҳаллий аҳоли область территориясидан бошқа миллатга мансуб одамларни ҳайдаб чиқаришга даъват этилган. Агар партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вазиятга ўз вақтида ҳамда принципиал баҳо бериб, зарур профилактика, огоҳлантириш тадбирларини ишлаб чиққанларида эди, етилган воқеаларнинг олдини олиш, воқеаларнинг ва шафқатсизликнинг бундай кенг тус олишига йўл қўймаслик мумкин эди.

Комиссия оммавий тартибсизликларнинг кенг миқёсда бўлганлигини таъкидлайди. Фожиали воқеалар натижасида 103 киши ҳалок бўлди, шундан 52 киши месхети турки, 36 киши — ўзбекдир, 1011 киши майиб бўлган ва жароҳатланган. СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинлари ҳарбий хизматчиларидан 137 киши, милиция ходимларидан 110 киши ярадор бўлди. Улардан бири оламдан ўтди. 757 та уй, 27 та давлат объекти, 275 та автотранспортга ўт қўйилди ва талаб кетилди. Энг муҳим халқ хўжалик объектларига ҳужум қилинди, жиноятчилар ўт очиш қуролларини қўлга тушириш мақсадида ички ишлар бўлимларининг биноларини эгаллаб олишга ҳаракат қилдилар, партия, совет ходимларини гаровга олдилар, илгари қўлга олинган кишиларни зўрлик билан бўшатишга уриндилар. Экстремистик ҳаракатларнинг республиканинг бошқа областларига реал тарқалиш хавфи вужудга келди.

Тартибсизликлар олдидан оммавий йиғинлар бўлиб ўтди, бу йиғинларда социал-иқтисодий ва экология тусидаги, шунингдек месхети туркларини область чегарасидан чиқариб юбориш тўғрисидаги талаблар ўртага қўйилди. Область, шаҳар ва район партия ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан ғайриқонуний ҳаракатлар қилинди.

Ана шундай ғоят мураккаб фавқулодда вазиятда 1989 йил 4 июнь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан область территориясида комендантлик соати жорий этилди ва республиканинг илтимосига мувофиқ, у ерга СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг бўлинмалари юборилди.

Республикага келган СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков билан КПСС Марказий Комитетининг секретари В. М. Чебриков катта ёрдам бердилар. Месхети туркларига ёрдам бериш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилди, тегишли Иттифоқ органларига республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, социал-иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш билан боғлиқ масалаларни қўшимча равишда кўриб чиқиш тўғрисида топшириқлар берилди. Янги қурбонлар бўлишига йўл қўймаслик, вақтинчалик ташкил этилган лагерда юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш учун, шунингдек месхети туркларининг талабларига мувофиқ Иттифоқ ҳукуматининг ёрдами билан 16 минг 282 кишини Фарғона областидан РСФСРнинг Смоленск, Орёл, Курск, Белгород ва Воронеж областларига вақтинча кўчириш ташкил этилди.

Комиссия Фарғона областидаги фожиали воқеаларнинг сабаблари ва тафсилотларини таҳлил қилиб, бу воқеалар область партия комитетининг бюроси, область ижроия комитети, партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан йўл қўйилган жиддий нуқсонлар ва хатоларнинг натижаси бўлди, деб ҳисоблайди. Улар кескин ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўткирлашуви хавфини кўра олмадилар, қайта қуришга қарши кимсаларнинг қилмишларига етарли баҳо бермадиларгина эмас, баъзан уларга ўзлари йўл қўйиб бердилар.

Комиссия фавқулодда вазият вужудга келган пайтда маҳаллий партия, совет органлари ва аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари довдираб қолдилар, тартибсизликлар, ўт қўйишлар, қотилликлар, ўт олдирувчи аралашмаларни, ўт очиш қуролларни ва совуқ қуролларни қўлланиш каби ваҳшийлик ҳаракатларига чек қўйиш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланмадилар. Милиция органлари ўзларига берилган ҳуқуқлардан фойдалана олмадилар, аҳолининг ва давлат объектларининг хавфсизлигини таъминлай олмадилар. Буларнинг ҳаммаси вазиятнинг кескин чигаллашувига олиб келди, тартибсизликлар сиёсий тус ола бошлади ва миллатчилик туси тобора яққол намоён бўла бошлади. Биринчи навбатда ўзларининг тор худбинлик ва ифлос мақсадларини кўзда тутувчи, миллатлараро адоват уруғини сочишга уринувчи, аҳолининг диний туйғуларидан мутаассибликни авж олдириш, пировард натижада фақат областдагина эмас, республикада ҳам вазиятни беқарор қилиш учун фойдаланиб қолишни кўзлаган турли порага сотилган ва жиноятчи унсурлар бу вазиятдан фойдаланишга уриндилар. Воқеалар давомида хатти-ҳаракатларнинг олдиндан тайёрланганлиги ва моҳирлик билан ташкил этилганлиги намоён бўлди, деб ўйлаймиз. Шу сабабли тегишли органлар воқеаларнинг ана шу жиҳтларини пухта ўрганишлари учун қатъий зарурат бор.

Фарғона область партия комитети, жойлардаги партия комитетлари ўз ишларини ташкил этишда аслида ижтимоий-сиёсий вазиятни қўлдан чиқариб юбордилар, одамларнинг реал ташвишлари ва эҳтиёжларидан ажралиб қолдилар, шу вақтга қадар кабинетда ўтириб, қоғозбозлик-бюрократик услубда иш юритишдан қутула олмадилар, ишни қайта қуриш шароитида олиб боришни ўрганмадилар, ўз жанговарликларини намоён қила олмадилар. Аҳоли муайян қисмининг, айниқса ёшларнинг ўз социал-иқтисодий аҳволидан, ишсизлик даражасининг юқорилигидан, аҳолининг зичлигидан, порага сотилиш ва порахўрлик авж олганидан норозилигига жиддий аҳамият берилмади.

Фарғона область партия комитети месхети турклари ва туб аҳоли ёшларининг бир қисми ўртасида Қувасой шаҳрида мухолифликнинг авж олишига баҳо беришда асоссиз равишда соддалаштириб ёндашувга йўл қўйилди, айни вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи маҳаллий органлар муштлашишни бошлаб берган кишиларга, бебошликларга нисбатан қонун кучини қўлланмадилар, бу билан улар адоватнинг, жиноий тўдалар бошлиқларининг қудрати тўғрисидаги миш-мишларнинг тарқалишига йўл қўйиб бердилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишининг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигига бу ерда қисқа вақт ичида шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғи уч марта ўзгартирилгани ҳам таъсир қилди. Бунинг устига деярли бир йил давомида, оммавий тартибсизлик бошлангунга қадар ана шу лавозим бўш турди. Сўнгги олти ойдан кўпроқ вақт ичида шаҳар прокурори лавозимига ҳам ҳеч ким тайинланмади.

Месхети турклари орасидан айрим шахсларнинг Грузия ССР жанубий районларига тезроқ қайтиш муаммосини ҳал этиш мақсадида вазиятни кескинлаштиришга уринишлари аҳволни анча чигаллаштириб юборди.

Қувасой шаҳрида содир бўлган тартибсизликлар ҳамда бир-бирига қарши группалар ўртасида совуқ ва ўқ отиш қуролларини қўлланиб, юз берган оммавий муштлашиш, бунинг оқибатида бир одамнинг ҳалок бўлиши ва ўнлаб одамларнинг жароҳатланиши тафсилотлари область партия комитети бюросининг мажлисида орадан саккиз кун ўтгандан кейингина кўриб чиқилди. Бироқ бу фавқулодда воқеага принципиал сиёсий баҳо берилмади, аслида миллатлараро негизда можаронинг тарқалиш хавфи бюронинг эътиборидан четда қолиб кетди.

Юз берган вазиятда воқеаларни оммавий ахборот ва пропаганда воситалари оператив ёритиши таъмин этилмаганлиги ҳам область партия комитети бюросининг жиддий хатоси бўлди. Бу воқеалар ҳақидаги хабарлар область газеталарида анча кечикиб берилди. Тушунтириш ишларига партия-хўжалик активлари, Советларнинг депутатлари, касаба союз ва комсомол ходимлари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, областнинг бутун жамоатчилиги жалб қилинмади. Тартибсизликларнинг ташкилотчилари бундай вазиятдан моҳирлик билан фойдаланиб, Қувасойдаги воқеаларни атайлаб бузиб кўрсатдилар, миллатлараро нифоқни авж олдирдилар. Алдаб, қўрқитиб ва дўқ қилиб, ёшларнинг ғўр қисмини, шу жумладан мактаб ўқувчиларини ўз сафларига тортдилар.

Область партия комитетининг бюроси шу йил 21 июнь куни бўлган мажлисида ҳам ўз хатолари ва йўл қўйган нуқсонларини ўз-ўзини танқид руҳида ва принципиаллик билан тўла баҳолай олмади. Областдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни янада нормаллаштириш юзасидан самарали чора-тадбирларни белгилай олмади, йўлига хайфсан бериш билан чекланиб қолди.

Комиссия Фарғона воқеалари кадрлар билан ишлашдаги жиддий бузилишлар оқибатида вужудга келди, деб ҳисоблайди. Бир қанча йиллар давомида кўпгина масъул лавозимларга қариндош-уруғчилигига, дўстона муносабатларига, шахсий садоқатига қараб одамлар тайинланган. Ўз обрўсини тўккан ва ишни барбод қилган раҳбарларга ҳамиша ҳам қатъий партиявий баҳо берилмади. Кадрлар сиёсатидаги принципсизлик бир-бирини қўллаб-қувватлашни, ҳамма нарсага йўл қўйиб беришни келтириб чиқарди, бундай йўл билан кўтарилган кадрларнинг маънавий таназзулига олиб келди.

Масалан, Қува мебель комбинатида унинг собиқ директори М. Уликов йигирма йил ҳукмронлик қилди. 1976—1984 йилларда комбинатда КПСС сафига қабул қилинган 26 кишининг ҳар еттитасидан бири унинг қариндоши эди, бунинг устига сохта ҳужжатлардан ҳам кўпинча фойдаланилди. М. Уликов молиявий интизомни бузишига қарамай, кўп марта партиявий жавобгарликдан қутилиб қолди ва 1988 йилдагина ишдан олиниб, КПСС сафидан ўчирилди. Сўнгги уч йил ичида салбий сабабларга кўра номенклатурадаги 107 ходим ишдан олинди. Уларнинг орасида шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, шаҳар, район ижроия комитетларининг раислари бор. Жумладан, ҳар етти нафар колхоз раисидан бири ва ҳар тўрт нафар совхоз директоридан бири, корхоналар ва ташкилотларнинг олти раҳбари ишдан олинди. Уларнинг кўплари КПСС сафидан ўчирилиб, жиноий жавобгарликка тортилди, бироқ бу чоралар ҳам амалда вазиятнинг яхшилик сари ўзгаришига олиб келмади.

Область, шаҳар, район партия комитетлари КПСС сафига қабул қилиш, партия комитетларини тузиш чоғида область аҳолисининг кўпмиллатли составини ҳамиша ҳам ҳисобга олмадилар. 15 та партия комитетидан фақат Охунбобоев ва Фарғона район партия комитетлари составидагина тўрт нафар месхети турки бор эди. Қўқон шаҳар партия комитети сўнгги саккиз йил ичида бирорта ҳам месхети туркини партияга қабул қилмади, Қувасой ва Марғилон шаҳар партия комитетлари, Тошлоқ район партия комитети ана шу даврда месхети туркларидан бармоқ билан санарли кишиларни партияга қабул қилган.

Кадрларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришда, депутатлар корпусини шакллантиришда ҳам ана шундай нуқсонларга йўл қўйилди. Сўнгги йилларда корейслар, қрим татарлар, арманлар ва бошқа миллат вакилларидан раҳбар партия, совет, хўжалик ходимлари сони камайиб кетди. Раҳбар кадрлар составида месхети турклари салмоғи аҳолининг миллий структурасидаги салмоғига нисбатан икки баравар, Советларнинг барча бўғинлари депутатлари орасида эса уч баравар кам. Сўнгги чақириқ область Советига фақат битта месхети турки сайланди, Фарғона ва Қўқон шаҳар Советларида эса бу миллат вакиллари йўқ.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари шу вақтгача идеология ишларини КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси талаблари асосида қайта қурмадилар. Областдаги партия, совет, хўжалик органларининг раҳбар ходимлари тарбиявий ишларда шахсан қатнашишдан ўзларини четга олганлар, коллективларда ва аҳоли истиқомат жойларида сиёсий вазиятни ўрганмаётирлар, меҳнаткашларнинг танқидий мулоҳазалари ва таклифларига тегишли жавоб қилмаётирлар. Оммани тарбиялашда собитқадамлик, партия комитетларининг аниқ ғоявий позицияси йўқ, санъат ва ижодкор зиёлиларнинг баъзи вакилларининг ғоявий жиҳатдан зарарли чиқишларига муросасозлик қилинмоқда.

Аҳолини байналмилал руҳда тарбиялаш расмиятчилик билан, умри тугаган сийқа усулда олиб борилмоқда. Аҳолининг турли гуруҳлари ва қатламлари орасида зўр бериб конкрет иш олиб бориш, одамлар билан якка-маякка ишлаш ўрнига ҳамон дабдабали, юзаки қараганда ҳайратга соладиган тадбирлар ўтказишга зўр берилмоқда.

Область партия комитети, бошқа партия комитетлари миллатлараро соҳадаги мавжуд мураккабликларни ва зиддиятларни таҳлил қилмаётирлар, уларнинг сабабларини ўрганиб, ҳал қилиш чораларини ишлаб чиқмаётирлар. Майда миллатларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш учун амалда ҳеч иш қилинмаган. Бунинг устига ана шу масалага заррача бўлсада эътиборсизлик кўнгилсиз ҳолларни келтириб чиқариши, миллатлараро муносабатларда кескинликни вужудга келтириши ҳисобга олинмаяпти.

Областда ноқулай диний вазият вужудга келган. Тобора кўпроқ одамлар, айниқса ўқувчи ёшлар дин таъсирига тушиб қолаётганлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда. Хотин-қизлар орасида тегишли иш олиб борилмаяпти, ишлаб чиқаришда ва оилада уларнинг ўрни ва роли ҳисобга олинмаяпти. Хотин-қизларнинг ўзига-ўзи ўт қўйиши каби шармандали ҳоллар ҳамон юз бермоқда.

Муҳим партиявий ҳужжатларни амалга ошириш юзасидан аниқ-равшан иш йўқ. Чунончи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Миллатлараро муносабатларнинг ҳолати ва интернационал тарбияни кучайтириш тўғрисида» ва «Республикада жамиятга қарши хатти-ҳаракатларнинг олдини олишни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарорлари юзасидан область партия комитети томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ҳатто шаҳар ва район партия комитетларига юборилмаган.

Қуйидаги факт тарбиявий ишларнинг ўрнини буйруқбозлик-маъмуриятчилик усуллари билан алмаштиришга уриниш, одамлар билан гаплашиш ва маслаҳатлашишни билмаслик, улар билан очиқ мулоқот қила олмасликдан далолат бериб турибди. 1988 йилда область партия комитети билан область ижроия комитети бирлашган Охунбобоев ва Ёзёвон районларининг маркази қилиб Лангар посёлкасини танлаб хато қилишди, бу ерда район партия комитетининг биносидан бошқа объект йўқ эди. Ёзёвон районы меҳнаткашлари область партия комитетининг собиқ биринчи секретари Ҳ. Умаровдан ўзлари билан учрашиб, бу масалани холис ҳал қилишни илтимос қилдилар. Аммо у учрашувга бормади. Область партия комитетининг бюросида меҳнаткашларнинг қонуний талаблари экстремистик талаб, деб баҳоланди. Райондаги 300 дан ортиқ коммунист, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, зиёлиларнинг вакиллари бу ҳақда аламини яширмай ва ғазаб билан комиссия аъзоларига гапириб бердилар.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишдаги қўпол хатолар тўғрисида, социалистик қонунларга риоя этилмаётгани, идеология иши, сиёсий тарбиявий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилаётгани, танқид бўғилаётгани ва бошқа салбий ҳодисалар ҳақида марказий республика ва ҳатто область матбуоти саҳифаларида жиддий мақолалар эълон қилинди. Бироқ область партия комитетининг бюроси, секретариати бу мақолаларга тегишлича муносабатда бўлмади.

Комиссия идеология ишлари ҳозир ҳам турмуш реалликлари ҳисобга олинмай, бир қолипда, олдиндан белгилаб қўйилган тартибда олиб борилмоқда, деб ҳисоблайди.

Одамларни ғоявий, байналмилал чиниқтириш, меҳнатга ижодий муносабатни, интизомсизлик, хўжасизлик ва масъулиятсизлик кўринишларига муросасиз муносабатни тарбиялаш масалалари ҳали ҳам ҳар бир партия ташкилотининг диққат-эътибори марказига қўйилмаган. Халқ таълими органлари ишининг усуллари ва сифати қайта қуриш талабларига жавоб бермайди, ўқувчи ёшлар ва студентларни коммунистик руҳда тарбиялашни ташкил этишдаги расмиятчилик барҳам топмаган. Ёшларнинг маълум бир қисмида билимга қизиқиш пасаймоқда, сиёсий калтабинлик ҳамда тайёрга айёрлик кайфиятлари намоён бўлмоқда. Ўқув-тарбия ишларини такомиллаштиришда ва бўш вақтни уюштиришда педагогларнинг ижодий ташаббуси ва масъулияти бўшаштириб юборилган. Бу ишларнинг ҳаммасида уларга маданият ва спорт органлари тегишлича ёрдам бермаяпти.

Областнинг партия комитетлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига сиёсий раҳбарликни бўшаштириб юборганлар, милиция, прокуратура ва судларда ишлаётган коммунистларга нисбатан талабчанликни сусайтирганлар, мазкур органларни кадрлар билан мустаҳкамлашга тегишли эътибор бермаганлар. Уларнинг профессионал тайёргарлик савияси паст. Икки ярим йил ичида ички ишлар органларининг 350 ходими интизомий жавобгарликка тортилган. Салбий сабаблар билан 100 ходим ишдан бўшатилган. Шундан 23 киши КПСС аъзосидир. 11 киши жиноий жавобгарликка тортилган.

Бу йил областда жиноят 28 процент, жумладан, оғир тан жароҳати етказиш, гражданларнинг шахсий мулкини ўғирлаш 2 баравар кўпайди. Маст ҳолда содир этилган жиноятлар сони 86 процент кўпайди.

Областда наркотик моддалар истеъмол қилувчи, уларни етиштириш ва тарқатиш билан шуғулланувчи шахсларга қарши етарли кураш олиб борилмаяпти. Ҳозир наркотик моддалар истеъмол қилувчи 600 дан кўпроқ киши ҳисобга олинган. Бу эса 1980 йилдагидан икки баравар кўп. Ўтган йили Охунбобоев, Фарғона, Фрунзе, Ўзбекистон ва Ленинград районларида кўкнор ва наша экилганлиги аниқланди ва йўқ қилиб ташланди.

Ҳуқуқ-тартибот органлари қонунбузарликнинг олдини олиш ва унга чек қўйишнинг самарали усулларини билмайдилар, фавқулодда вазиятда ишлай олмайдилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жиноятчилар қуролларнинг турли хилларини, ўт олдирувчи аралашмаларни тайёрлаётганликларини ўз вақтида аниқлаб, бу ишга чек қўймадилар, оммавий тартибсизликлар чоғида ана шу қуроллардан кенг фойдаланилди. Экстремистларнинг бебошлиги ва шафқатсизлиги, уларга зарур даражада зарба берилмаганлиги ва ички ишлар органлари ходимларининг масъулиятни ўз зиммасига олишдан чўчиши аҳоли орасида ишончсизлик ва қўрқув, жиноятчи унсурлар орасида эса ўзига эрк бериш туйғусини уйғотди.

Область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи генерал-майор С. Ю. Бурҳонов аслида милиция ишини барбод этди, бунинг учун у шахсан жавобгарликка тортилиши лозим. Давлат хавфсизлиги комитетининг Фарғона область бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Н. Г. Лесков) ахборот тарзида маълумотлар бериш билан чекланди, зарур чоралар кўришда етарли даражада қатъиятлилик қилмади. Прокуратура органлари ҳам қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволига ўз таъсирини ўтказмаяпти. Область прокурори ўртоқ А. О. Отажонов, шаҳар ва район прокурорлари жиноятчилик сабабларини атрофлича ўрганиб чиқмаяптилар, ўғирлик, безорилик, текинхўрлик, ичкиликбозлик, нашавандлик пайини қирқиш борасида зарур ишларни олиб бормаяптилар, умуман тегишли даражада прокурор назоратини таъминламаяптилар.

Халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети, шаҳар ва район ижроия комитетлари давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқарув органлари сифатида ўз ишларини йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст қайта қурмоқдалар. Иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, пахта майдонларини қисқартириш, меҳнат ресурслари ва ердан оқилона фойдаланиш, экология, хизмат кўрсатиш соҳасида тартибни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар принципиал тарзда ҳал этилмаяпти. бу эса социал кескинликнинг кучайишига олиб келди ва қайта қуришга қарши кучлар бундан тартибсизлик чиқариш учун фойдаландилар.

Фарғона областида иқтисодий ва социал ривожланишда жиддий узилишлар ва нуқсонларга йўл қўйилди. Аҳоли ниҳоятда зич яшайдиган мана шу регионда халқ хўжалик комплексининг структураси демографик хусусиятлар ҳисобга олинмай ташкил этилди. Областда химия ва нефть химияси саноати корхоналари жуда кўп бўлиб, улар экология вазиятига ғоят салбий таъсир кўрсатмоқда ва аҳолини иш билан таъминлашни амалда кам ҳал этмоқда.

Кейинги бир неча беш йилликлар мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш республикадагига қараганда суст ривожланди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстиришнинг ўртача йиллик суръатлари 1971—1975 йиллардаги 7,1 процентдан 1981—1985 йилларда 4,6 процентга ва шу беш йилликда деярли 3,5 процентга тушиб қолди. Сўнгги уч йил давомида товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш комплекс программасида белгиланганига нисбатан ноозиқ-овқат моллари 3,7 процент кам, енгил саноат маҳсулоти 2,2 процент кам ишлаб чиқарилди.

Область қишлоқ хўжалигида янада кескин вазият вужудга келди. Бу соҳада ҳамма жойдагига қараганда пахта яккаҳокимлиги устунлик қилмоқда, суғориладиган экинзорларда унинг ҳиссаси Ўзбекистондаги 59 процентга нисбатан 64 процентга етмоқда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи галда гўшт ва сут билан таъминлаш муаммолари ғоят ёмон ҳал этилмоқда. Жамоат секторида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти кўпайиши ўрнига 1985 йилдаги 736 миллион сўмдан 1988 йилда қарийб 698 миллион сўмга тушиб қолди, суғориладиган экинзорлар ҳосили 2,5 минг сўмдан 2,2 минг сўмга тушиб қолди ёки 12,5 процент қисқарди.

Социал соҳа ўз ҳолига ташлаб қўйилди, аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси кескинлашди. Қишлоқ жойларида аҳоли жон бошига олинадиган ўртача даромад 60—64 сўмни ташкил этишига қарамай, область ижроия комитети қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартириш жараёнини бир хилда сақлаб турибди. Сўнгги пайтгача колхозчилар ва совхозларнинг ишчиларига томорқа участкалари, боғдорчилик-полизчилик ширкатлари, якка тартибда уй-жойлар қуриш учун ерлар ажратиб берилмади. Қишлоқ хонадонларининг ярмидан кўпроғи ем-хашак етарли эмаслиги сабабли сигир боқмайди, қўй ва эчкилар туёғи камайди.

Меҳнатга яроқли бўлса-да, ишламаётган аҳоли тобора кўпайиб бораётганлиги вазиятни, айниқса, қийинлаштирмоқда. Область жамоат ишлаб чиқаришида 70 мингдан ортиқ киши иш билан банд эмас. Аҳоли ўсиш суръатлари ҳисобга олинганда эса, XIII беш йилликнинг охирига келиб бу рақам қарийб 2,5 баравар кўпайиши мумкин.

Партия ва совет органларининг мазкур масалани ҳал этиш соҳасидаги иш услубида ишлаб чиқариш коллективлари ва аҳоли истиқомат жойларида конкрет ишлар олиб борилмаётганлиги сезилиб турибди. Айни пайтда ҳозирнинг ўзидаёқ жамоат ишлаб чиқаришининг турли соҳаларида 10 минг иш жойи бутланмаган, жумладан, Фарғонада 2,7 минг, Марғилонда бир мингдан ортиқ, Тошлоқ районида 600 дан кўпроқ иш жойи бўш. Сменаларни кўпайтириш, қурилаётган корхоналарни кенгайтириш, реконструкциялаш ва ишга тушириш ҳисобига салкам 30 минг кишини ишга жойлаштирилиши мумкин. Бироқ вужудга келган вазиятда область ижроия комитетининг раҳбарлари ишсизларга нисбатан бепарволик қилмоқдалар, уларнинг ҳаракатларида ташаббус, етилган муаммоларни амалий ишлар билан ҳал этишга интилиш етишмайди. Республика Министрлар Совети ҳам ана шу масалалар ҳал этилишини суст назорат қилмоқда, министрликлар, идоралар, область ташкилотларига нисбатан талабчанликни таъминламаяпти.

Областда уй-жойлар, мактаблар, поликлиникалар қуриш, шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқларни ободонлаштириш топшириқлари бажарилмаяпти. Уй-жой шароитини яхшилаш учун рўйхатда турган оилалар камаймаяпти. Мактабларнинг учдан бир қисми мосланмаган биноларга жойлашган бўлиб, ҳар икки мактабдан бири спорт ва мажлислар залларига, типовой ошхоналарга эга эмас, уларнинг 70 процентида машғулотлар икки ва ундан кўпроқ сменада олиб борилади. Қишлоқ жойларининг атиги 44 проценти водопровод билан таъминланган. Областда атиги 3 та кир ювиш корхонаси бор, ҳаммомлар, ижара пунктлари, турли рўзғор техникасини ремонт қиладиган устахоналар етишмайди. Мактабгача тарбия болалар муассасалари тармоқлари, жисмоний тарбия ва спорт объектлари, соғлиқни сақлаш системаси суст ривожланмоқда. Юқумли гепатит, ошқозон-ичак юқумли касалликлари, юрак-қон-томир ва онкология касалликларига чалиниш республикадаги ўртача даражадан анча юқоридир.

Ўтган йили маҳаллий Советлар ижроия комитетларига гражданлардан 70 мингдан ортиқ ариза ва шикоят тушди. Улардан 3600 таси КПСС Марказий Комитети номига ёзилган. Бироқ ана шу мурожаатлар зарур даражада таҳлил этилмаяпти, тегишли органлар ва идораларнинг иши тўғрисида зарур хулосалар чиқарилмаяпти. Марғилон, Қувасой шаҳар ижроия комитетларида, Охунбобоев, Риштон, Ўзбекистон район ижроия комитетларида шикоятларни кўриб чиқиш чоғида кўпинча сансалорликка йўл қўйилмоқда. Фарғона шаҳар ижроия комитетининг районлар ва қишлоқлардан ёшларни ишга қабул қилишни анча чеклаш тўғрисидаги ғайриқонуний қарори область қишлоқ аҳолисининг жиддий норозилигига сабаб бўлди. Меҳнаткашлар шикоятларга эътиборсизлик билан муносабатда бўлинаётганлиги сабабли кўпинча Иттифоқ ва республика органларига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар.

Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги районларнинг аҳолиси Янги Қўқон химия заводи атроф-муҳитни ва сув ресурсларини булғатаётганлиги тўғрисида узоқ вақт давомида турли органларга шикоят билан мурожаат қилди. Фарғона область ижроия комитети ва республика Министрлар Совети конкрет чоралар кўрмаганлиги, мазкур масалани ҳал этишда қатъият кўрсатмаганлиги кескинликни вужудга келтирди ва аҳолини ғазаблантирди. Айрим экстремист унсурлар мана шу кескин вазиятдан ўз мақсадлари йўлида моҳирлик билан фойдаландилар ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан иттифоқ министри ўртоқ Н. М. Ольшанскийнинг аралашувигина корхонани ёпиш ва соҳасини ўзгартириш тўғрисидаги масалани ҳал этишга имкон берди.

Комиссия область касаба союзлари Совети фаолиятида ҳам ҳамон расмий-бюрократик иш услуби устунлик қилмоқда, деган фикрга келди. Касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқишда интизомни, уюшқоқликни мустаҳкамлаш ишида суст қатнашмоқда, социал адолат принципларини қарор топтиришда зарур даражада қатъият кўрсатмаяпти. Область меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган кўпдан-кўп учрашувларда квартираларни, енгил автомашиналарни тақсимлашдаги, медицина ва савдо хизматидаги, санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар ажратиш ва улардан фойдаланишдаги адолатсизликдан ғазабланиб гапирдилар. Буларнинг ҳаммаси ҳам коллективларда маънавий-психологик кескинликни вужудга келтиради.

Область комсомол ташкилотларига партия раҳбарлиги сусайтириб юборилган. Комсомол ташкилотлари ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишда, уларни ватанпарварлик ва байналмилал руҳда тарбиялашда етарли даражада иштирок этмаяптилар. Чинакам, ўзига маъқул бўлган иш билан таъминланмаган айрим ёшлар норасмий ташкилотларга аъзо бўлиб, ҳуқуққа зид ҳаракатлар қилмоқдалар. Тартибсизликлар қатнашчиларининг аксарияти комсомол ёшидаги ўсмирлар бўлиб, жиноячилар ўз мақсадлари йўлида уларни ўзига тортиш ва улардан фойдаланишга муваффақ бўлдилар.

Комиссия жамиятга зид ҳаракатларнинг пайини қирқиш тадбирлари кўрилганлигига қарамай, областдаги вазиятни тўла-тўкис барқарорлаштирилган, дейишга ҳали эрта, деб ҳисоблайди.

Ҳозирги вақтда тергов органлари одам ўлдириш, талончилик, ўт қўйиш, оммавий тартибсизлик фактлари юзасидан 58 та жиноий иш қўзғади. Уларнинг иккитаси юзасидан тергов тугади ва иш судга оширилди, бир қанча ишлар тугалланиш босқичида турибди. 97 киши қамоққа олинди, 127 киши конкрет жиноят қилишда шубҳаланиб қўлга олинди, бироқ қўпол миллатчилик хуружлари тўғрисидаги хавотирли миш-мишлар, варақалар ҳамон тарқатилмоқда. Шунинг учун, айниқса бошқа миллатдаги аҳоли орасида қўрқув, саросималик ва тушкунлик туйғулари сақланиб қолмоқда ва уларнинг бир қисми республикадан ташқарига жўнаб кетишга интилмоқда. Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида уй-рўзғор буюмларини ташиш учун контейнерларга бир неча ой илгаридан буюртма бериб қўйилган.

Комиссия ташкилотчилик ва сиёсий ишлардаги фожиали воқеаларга олиб келган бундай жиддий нуқсонлар ва камчиликлар учун жавобгарлик энг аввало область партия комитети бюроси, унинг секретарлари зиммасига тушади, деб таъкидлайди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Ш. М. Йўлдошев (салкам бир йилдан бери ишлаяпти) ишларининг моҳиятини суст ўрганмоқда, область партия комитетининг секретарлари ва бюро аъзоларига, область раҳбар кадрларига нисбатан зарур талабчанлик кўрсатмаяпти. У область партия ташкилотининг ҳал қилувчи устун йўналишларига, область партия комитети фаолиятини раҳбарликнинг сиёсий усулларида қайта қуришга асосий эътиборни қаратмади.

Область партия комитетининг иккинчи секретари А. В. Козирь фавқулодда воқеалар рўй берган кунларда саросимага тушиб қолди, область ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолларини рўй бераётган тартибсизликларнинг олдини олишга ва пайини қирқишга сафарбар этиш юзасидан зарур раҳбарликни таъминламади. У кадрлар, касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан олиб бориладиган ишлар сусайтириб юборилганлиги учун жавобгардир.

Область партия комитетининг секретари Т. А. Эгамбердиева одамлар билан иш олиб боришнинг эскича усулларидан воз кеча олмади. Ишнинг ташқи жиҳатига кўпроқ эътибор бериб, турли расмий тадбирлар билан машғул бўлмоқда. У воқеалардан четда қолди, идеология аппарати турли салбий кўринишларга қарши фаол кураш олиб боришга сафарбар этилмади ва ташаббусни қўлдан бой берди.

Область партия комитетининг секретарлари А. Р. Маматқазин билан Б. А. Ашрафхонов ҳанузгача ўз ишларини янги талаблар асосида қайта қурмадилар, етилган социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда қатъият кўрсатмаётирлар, ўзлари раҳбарлик қилаётган ишнинг самарали бўлишига эришмаётирлар, сайлаб қўйиладиган партия фаолларига бўш таянмоқдалар.

Областда юз берган шароит учун масъулиятнинг анчагина қисми Фарғона область ижроия комитетининг раиси Х. М. Мажидов зиммасига тушади. У область ижроия комитетининг, шаҳар ва район ижроия комитетларининг ишини тегишлича ташкил эта олмади. Аслини олганда область ижроия комитети экономикани турғунликдан чиқариш программасига эга эмас, ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, аҳолининг фаровонлигини ошириш ҳамда бошқа етилган муаммоларни ҳал этиш масалалари билан қониқарли шуғулланмаяпти.

Комиссия шаҳар ва район партия комитетларининг баъзи секретарлари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг раислари оммавий тартибсизликлар даврида пассивлик, беғамлик қилдилар, ўзларини йўқотиб қўйдилар, деб ҳисоблайди. Улар экстремистларнинг хатти-ҳаракатларининг олдини олиш ва чек қўйиш, безори тўдаларнинг область шаҳарлари ва районларига боришининг олдини олиш юзасидан барча чораларни кўрмадилар, уларга қарши курашга кенг жамоатчиликни сафарбар эта олмадилар.

3 июнда тузилган ҳукумат комиссияси ўз фаолиятининг дастлабки даврида можарони чеклаб қўйиш тактикасини ишлаб чиқа олмади. 6-9 июнда тартибсизликлар Қўқон зонасига кўчди, бу ерда жиноий ҳаракатлар янада кенг тус олиб, айниқса хавфли даражага етди. Бу ерда муҳим давлат объектлари — темир йўл вокзалига, бош сув олиш иншоотига, аэропортга, автокорхоналар ва бошқа объектларга ҳужум қилинди. Ҳукумат комиссияси шу вақтга қадар месхети туркларининг ўт қўйилган уйларини тиклаш ва ремонт қилиш юзасидан конкрет чора-тадбирларни белгиланмаганлиги, бу эса уларнинг қайтиб келиши учун жиддий қийинчилик туғдираётганлиги ташвишга солмай қўймайди.

Фарғона областининг ҳал қилинмаган ўткир социал-иқтисодий муаммолари республика органлари томонидан янада чуқур таҳлил этилишини ва ҳар томонлама ишлаб чиқилишини, уларни ҳал қилишнинг конкрет программасини ишлаб чиқишни, юқорида айтилган муаммоларни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Президиуми мажлисларида, республика министрликлари ва идораларининг коллегиялари мажлисларида муҳокама қилишни тақозо этади, деб ҳисоблаймиз.

Комиссия партия ва совет активлари, ветеранлар, ёшлар билан жуда кўп учрашувлар натижасида шундай фикрга келдики, область партия ташкилоти умуман соғлом, фаоллар ва оддий коммунистлар юз берган воқеадан жуда ачинмоқдалар, раҳбар партия ва совет органларининг ишига жуда танқидий баҳо бермоқдалар, тегишли органлар тезроқ текшириш ўтказиб, қотилликлар, ур-йиқитлар, талончилик, ваҳшийлик қатнашчиларини, уларнинг илҳомчилари ва ташкилотчиларини жавобгарликка тортишни талаб қилмоқдалар, бундай кишилар ўзбек халқига, байналмилал ва меҳнаткаш халққа мансублик ҳуқуқидан ўзларини маҳрум қилиб қўйдилар, деб ҳисобламоқдалар. Оддий меҳнатчилар, партия ва совет фаолларининг фавқулодда шароитда мардлик ва матонат кўрсатганликларини намоён қилувчи жуда кўп фактлар бу хулосани тасдиқлаб турибди. Фарғона области меҳнаткашлари, шунингдек республика ташкилотлари, шу жумладан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети шанга бир қанча жиддий мулоҳазаларни айтдилар.

Комиссия республиканинг бошқа регионларида можаронинг янги ўчоқлари пайдо бўлишига йўл қўймаслик, ижтимоий кучларнинг жипслашувига эришиш, барча миллатларга мансуб меҳнаткашларнинг нормал турмуши ва самарали ишлаши учун осойишта вазиятни таъминлаш мақсадида республиканинг барча совет ва партия органларига ташкилотчилик ва сиёсий тусдаги шошилинч чораларни кўришни топширишни зарур, деб ҳисоблайди. Шунга қарамай, тартиб ва интизом ўрнатиш билан боғлиқ вазифаларнинг мураккаблиги ва тиғизлиги, экономика ва социал соҳани ривожлантиришни жадаллаштириш, маданий ва маънавий тарбия даражасини ошириш, миллатлараро муносабатларни соғломлаштириш, ташкилотчилик, сиёсий ва идеология ишларини қайта қуриш зарурлиги область партия комитетининг бюроси ва секретариатини, бир қанча шаҳар, район, партия ташкилотлари раҳбариятини мустаҳкамлаш, халқ хўжалиги қурилишининг энг масъулиятли соҳаларига янги кучлар қўшилиши мақсадга мувофиқ, деган хулосага олиб келади.

ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИ

Биринчи ярим йилликда экономикани структура жиҳатидан қайта қуриш ҳамда уни социал эҳтиёжларга қаратиш жараёни давом этди, дейилади СССР Давлат статистика комитетининг 1989 йилнинг биринчи ярмида СССРнинг социал-иқтисодий ривожланиши тўғрисидаги ахборотида. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўпайди, чакана товар обороти ва аҳолига пулли хизмат ҳажми ошди. Мамлакат мудофаасига харажатларни қисқартириш асосида мудофаа тармоқларининг граждан маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қўшадиган ҳиссасини кенгайтириш мақсадида уларнинг соҳасини ўзгартиришга тайёргарлик амалга оширилмоқда.

Хўжалик юритишнинг янги шакллари тобора кенгаймоқда. 2,7 мингдан ортиқ саноат корхонаси, бошқа тармоқларнинг кўпгина корхоналари ва ташкилотлари даромадларни нормативлар асосида тақсимлашга асосланган (иккинчи модель) хўжалик ҳисоби моделини қўлламоқда. Ижара пудрати асосида ишлаётган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар сони кўпайди. Биринчи ярим йилликнинг охирига келиб 903 та саноат корхонаси, 449 та қурилиш ташкилоти, 434 та чакана савдо корхонаси, 139 та умумий овқатланиш корхонаси, 98 та аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва бир қанча бошқа корхоналар ана шундай шароитда ишлай бошлади.

Шу билан бирга фан-техника тараққиёти етарли суръатлар билан ривожланмаяпти, бу эса ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигига, уни интенсивлаштиришни кучайтиришга салбий таъсир қилмоқда.

Мамлакатнинг молиявий аҳволи ва пул муомаласи кескинлигича қолмоқда. Саноат корхоналарининг анчагина қисми маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини бажармади. Кўпгина қувватларни ишга тушириш топшириқлари бажарилмаяпти, уй-жойларни ва бошқа социал-маданий соҳа объектларини фойдаланишга топшириш секинлашди, тугалланмаган қурилиш кўпаймоқда. Иш ҳақи меҳнат унумдорлиги ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришдан тезроқ кўпаймоқда. Аҳоли даромадлари ва харажатларининг номутаносиблиги муаммоси кескинлашмоқда. Истеъмол бозорида тақчиллик камаймаяпти, кўпгина регионларда ўткир экология вазияти сақланиб турибди.

Биринчи ярим йилликда ўтган йили эришилган иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини сақлаб қолишга муваффақ бўлинмади. Саноат ишлаб чиқариши суръатларининг, юк ташиш ҳажмининг ва ташқи савдодан тушумнинг камайиши ҳосил қилинган миллий даромаднинг ўсиш суръатлари кескин пасайишига олиб келди. Шу даврда ҳосил қилинган миллий даромад ўтган йилнинг январь-июнь ойларидаги 13 миллиард ўрнига қиёсий нархларда 8 миллиард сўм кўпайди.

462 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди, бу эса ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 12 миллиард сўмлик кўпдир. Зарар келтирувчи корхоналар ва ташкилотлар сони суст камаймоқда. Тўлов интизоми бўш, корхоналар ва ташкилотларнинг анчагина қисми ўз оборот маблағлари етишмаган ҳолда ишламоқда.

Биринчи ярим йилликда оборот солиғидан бюджетга планга нисбатан 2,5 миллиард сўм ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6 миллиард сўм кўп пул тушди. Халқ хўжалигининг барча асосий тармоқлари, министрликлар ва идоралар жамғарма юзасидан қабул қилинган планларни бажармоқдалар, бироқ бюджетга фойда (даромад)дан планда кўзда тутилганига нисбатан 0,7 миллиард сўм кам тўлов тушди.

Банк кредит ресурсларини бюджет камомадига тобора кўпроқ жалб этиш ҳамда қарзларни тўлаш муддатларини кечиктириш экономикада пулнинг қадрсизланиши жараёнларини кучайтирмоқда, халқ хўжалиги ва аҳолига кредит бериш имкониятларини камайтирмоқда. Муомалага янги пул чиқариш кўпаймоқда. Биринчи ярим йилликда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан муомалага учдан бир баравар кўп пул чиқарилди.

1989 йил 1 июлда мамлакат аҳолисининг сони 287,8 миллион кишига етди.

Ярим йил ичида мамлакатнинг меҳнат ресурслари ўртача 160 миллион кишидан ошди ва аҳоли сонининг 57 процентини ташкил қилди. Меҳнат ресурсларининг 73,5 проценти экономиканинг давлат секторида, 7 проценти колхозларнинг жамоат хўжалигида, 1,1 проценти (ўриндошлик асосида ишловчиларни ҳисобга олмаганда) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида ташкил этилган кооперативларда ва якка тартибдаги меҳнат соҳасида ишламоқда.

Рўзғор ишлари билан банд бўлган, меҳнатнинг мавсумий тусдалиги ва бошқа сабаблар туфайли ишламаётган одамлардан муайян шарт-шароит яратилган тақдирда деярли 6 миллион нафарини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш мумкин бўлур эди. Ана шу одамларнинг тахминан ярми Ўрта Осиё, Закавказье республикалари, Шимолий Кавказ ва Қозоғистон ССРга тўғри келади. Ана шу регионларда аҳолини ишга жойлаштириш билан шуғулланадиган 812 та марказ (бюро) ташкил этилди. Уларнинг ёрдамида биринчи кварталда камида 200 минг киши (мурожаат қилган кишиларнинг 80 проценти) ишга жойлаштирилди. Ишга жойлашиш қийинлиги туфайли бекор юрган ёшлар сони кўпаймоқда.

Биринчи ярим йилликда оммавий равишда ишга чиқмаслик (иш ташлашлар) натижасида йўқотилган иш вақти 2 миллион киши-кунидан кўпроқ бўлди. Бунинг маъноси шуки, умуман мамлакатда ҳар куни 15 минг киши ишламади. Маҳсулот кам етказиб берилди, маҳсулот етказиб беришдаги узилиш билан боғлиқ ҳолда шерикларнинг ишидаги нобудгарчиликни ҳисобга олмаганда тахминан 200 миллион сўмлик иш ҳажми бажарилмай қолди.

Халқ хўжалигида ишчилар ва хизматчиларнинг ойлик ўртача иш ҳақи ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан кўпайиб, 215 сўмдан 236 сўмга етди, колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш 153 сўмдан 166 сўмга етди. Иш ҳақининг кўпайиши ишлаб чиқариш пировард натижаларини тегишли равишда ўстириш, унинг самарадорлигини ошириш билан таъминланмади; қўшиб ёзишлар, кўпайтириб кўрсатишлар бартараф этилмади. Иш ҳақининг кўпайиши маълум даражада корхоналарнинг меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитига ўтиши, ана шу мақсад учун олдиндан тўплаб қўйилган маблағларни тўлаш билан боғлиқ.

1 июлгача ишлаб чиқариш тармоқларидаги 60 миллионга яқин ходим янги оширилган тариф ставкалари ва мансаб окладларига ўтказилди. Савдо, умумий овқатланиш ва моддий-техника таъминоти корхоналари ва ташкилотларида меҳнат коллективлари ишлаб топган маблағ ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартларига ўтказиш бошланди.

Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан салкам 86 миллиард сўмлик тўлов ва имтиёзлар олди. Бу эса ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 4,8 миллиард сўм кўпдир.

Аҳоли пул даромадлари ўсиши суръатлари аҳолининг товарлар харид қилишга ва хизмат ҳақини тўлашга харажатларининг ўсиш суръатидан 1,4 баравар ўзиб кетди.

Аҳолининг СССР жамғарма банки муассасаларига қўйган пуллари биринчи ярим йилликда 17,7 миллиард сўм кўпайди ва 314,4 миллиард сўмга етди. Бундан ташқари 1 июлга қадар 1,7 миллиард сўмлик сертификатлар сотилди.

Аҳоли турли ижтимоий гуруҳлари жон бошига тўғри келадиган даромадлари даражасидаги жиддий тафовут сақланиб қолмоқда. Бу тафовутлар иш ҳақидаги тафовутлар (колхозчиларнинг меҳнат ҳақи ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақидан 30 процент кам эди), шунингдек, оила составидаги тафовут билан (колхозчилар оилалари қарамоғидаги кишилар сони ишчилар ва хизматчиларникига нисбатан кўпроқ) боғлиқдир.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш чакана нархларда 206 миллиард сўмликни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 миллиард сўмлик кўпдир. 9,6 миллиард сўмлик кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқарилди, уларнинг ҳажми 181 миллиард сўмликни ташкил этди.

Озиқ-овқат саноатининг кўпгина корхоналарида биринчи ярим йиллик учун қабул қилинган маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш планлари ҳамда уларни ишлаб чиқариш 1988 йилда амалда эришилган даражадан кам бўлди. Шу сабабли планлар бажарилса ҳам ана шу маҳсулотларга эҳтиёж таъминланмаяпти.

113 миллиард сўмлик ноозиқ-овқат халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, бу эса ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 7,7 миллиард сўмлик кўпдир. Корхоналар биринчи ярим йиллик учун қабул қилган планлар 104 процент бажарилди. Шу билан бирга ана шу топшириқлар мазкур даврга тўғри келадиган иш вақтининг йиллик фондидан келиб чиқадиган топшириққа нисбатан камдир. Ҳар 10 корхонадан бири кўзда тутилган топшириқни бажара олмади.

48,9 миллиард сўмлик енгил саноат моллари ишлаб чиқарилди, бу эса 1988 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 5,5 процент кўпдир. Енгил саноат моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,6 миллиард сўмни ташкил этди. Бу ўсиш асосан чакана нархларга қўшимча билан сотиладиган буюмларни ишлаб чиқариш ҳисобига таъминланди.

Давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборотининг умумий ҳажми 1989 йилнинг биринчи ярмида 192,2 миллиард сўмни ёки планга нисбатан 101,9 процентини ташкил этди. Барча иттифоқдош республикалар товар обороти планини бажарди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан товар обороти 16,5 миллиард сўм кўпайди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари сотиш 7,1 процент кўпайди. Биринчи ярим йилда савдога ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 процент кўп озиқ-овқат маҳсулотлари (картошка ҳамда мева-сабзавотдан ташқари) жўнатилган бўлса ҳам уларнинг ҳажми озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаш учун етарли эмас. Кўпгина районларда гўшт талонлар орқали сотилмоқда, тақсимлашнинг бошқа формалари қўлланилмоқда, аҳолини балиқ ва балиқ маҳсулотлари, пишлоқ, чой билан таъминлашда узилишлар бўлмоқда, кондитер маҳсулотлари билан таъминлаш бир мунча яхшиланди. Айрим регионларда нон ва нон-булка маҳсулотлари билан таъминлашда жиддий камчиликлар мавжуд. Аҳоли картошка ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўла таъминланмаяпти.

Давлат (дотацияли) нархлари билан сотиб олинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари уларга тобора ортиб бораётган эҳтиёжни қопламаяпти. Шу сабабли аҳоли кооператив савдоси ва колхоз бозори хизматига тобора кўпроқ мурожаат қилмоқда. Бунинг оқибатида озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилишнинг ўртача нархлари кўтарилмоқда, бу нархлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан умуман 3 процент ошди. Биринчи ярим йилликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан колхоз бозорида нархлар 4 процент кўтарилди.

Аҳолини тикувчилик, трикотаж маҳсулотлари, пайпоқлар, пойабзал билан таъминлашда савдога бундай маҳсулотларнинг чиқарилиши 5 процент кўпайтирилганлигига қарамай аҳвол қониқарсизлигича қолмоқда. Телевизорлар, радиоприёмник қурилмалари, холодильниклар ва музлатгичлар, электр чанг ютгичлар, кир ювиш ва тикув машиналари, мотоцикллар, велосипедлар, мебель, идиш-товоқнинг жуда кўп турлари, гулқоғозлар, парфюмерия-косметика моллари ва бошқа товарлар савдода тақчил бўлиб турибди.

Совун ва кир ювиш воситалари ишлаб чиқариш кўпайтирилмоқда ва чет элдан қўшимча равишда сотиб олинмоқда, бу эса бундай маҳсулотларни савдога етказиб бериш ҳажмини кўпайтиришга имкон берди. Бироқ бундай маҳсулотларни ғамлаб қўйиш учун харид қилиш давом этаётганлиги муносабати билан уларга эҳтиёж камаймаяпти. Аҳволни нормал изга солиш мақсадида бир қанча регионларда бундай маҳсулотлар билан аҳолини таъминлаш учун талон системаси жорий этилди. Аҳолини дори-дармонларнинг кўп турлари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашдаги аҳвол кескин бўлиб турибди.

Аҳолига 32 миллиард сўмлик пулли хизмат кўрсатилди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 миллиард сўм кўпдир. Аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган корхоналар ва ташкилотлар 6,2 миллиард сўмлик ёки 1988 йилнинг шу даврига нисбатан 10,1 процент кўп хизмат кўрсатди.

Давлат капитал маблағлари ҳисобига умумий саҳни 33,8 миллион квадрат метрли 547 мингта янги квартира қурилиб фойдаланишга топширилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камдир. Давлат ва жамоат фонди ҳамда уй-жой қурилиш кооперативлари фонди уйларида шаҳарлардаги 1 миллионга яқин оила ва ёлғиз кишилар уй-жой шароитларини яхшилаб олди, салкам ярим миллион киши эски ва авария ҳолидаги уйлардан қулай уйларга кўчирилди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, мактабгача муассасалар, касалхоналар, поликлиникалар, кексалар ва инвалидлар учун интернат-уйлар, клублар ва маданият уйларини фойдаланишга топшириш камайди.

Умумтаълим мактабларида 2,5 миллион ўқувчи ўрта маълумот олди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари халқ хўжалиги учун 2 миллион мутахассис тайёрлаб берди.

Мамлакатда йил бошидан буён 1102 минг жиноят рўйхатга олинди, бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 32 процент кўпдир; буларнинг ҳар 6 тасидан бири — оғир жиноятдир. Ҳар 100 минг аҳоли ҳисобига рўйхатга олинган жиноятлар сони барча иттифоқдош республикаларда кўпайди. Ғаразли жиноятларнинг, шунингдек шахсга қарши атайлаб қилинган жиноятларнинг янада ўсиши кўзга ташланмоқда. Сўнгги йилларда жиноий жазога тортиладиган безориликнинг рўйхатга олиниши камайгани ҳолда шу йилнинг биринчи ярмида бундай жиноят 16 процент кўпайди.

Фарғона водийсидаги, Гурьев областидаги, Тоғли Қорабоғ автоном областидаги воқеалар давомида ҳуқуқ-тартиботни оммавий равишда бузиш ҳоллари бўлди.

Ҳавога зарарли моддаларни чиқариб ташлаш умуман барча корхоналарда ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 1,8 миллион тонна ёки 6 процент камайди. Шу билан бир вақтда 9 минг корхона зарарли моддаларни ҳавога чиқариб юборишни 1,2 миллион тонна кўпайтирди. 58 та шаҳарда ҳавода зарарли моддаларнинг жуда кўп тўпланиш ҳоллари қайд этилди. Баъзи шаҳарларда авариялар натижасида ҳавони ўта заҳарли моддалар билан бирваракайига булғатиш ҳоллари юз берди. Мамлакатнинг кўпгина районларида сув ҳавзаларини анча булғатиш ҳоллари бўлди.

Давлат рўйхатларида физика, химия, биология, медицина соҳасида 6 та илмий кашфиёт, 42 мингта ихтиро қайд этилди.

Январь-июнь ойларида ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкциялашга давлат капитал маблағларидан 19,4 миллиард сўм ёки 1988 йилнинг шу даврига нисбатан 11 процент кўп пул сарфланди. Ана шу мақсадларга корхоналар ва ташкилотлар сарфлаган маблағлар давлат капитал маблағлари умумий ҳажмининг 77 процентини ташкил этди.

Биринчи ярим йилликда техника ва материалларнинг принципиал янги турларини 1989 йилда етказиб беришга давлат буюртмаси 16 процент бажарилди. 158 номдаги янги маҳсулотни, шу жумладан, машинасозлик комплекси корхоналари 99 номдаги янги маҳсулотни етказиб беришни бошламади.

Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда материалларнинг энг муҳим турларини тежаш 1989 йил учун кўзда тутилганининг ярмидан кўпроғини ташкил этди.

Саноатда давлат буюртмасига мувофиқ ва истеъмолчилар билан бевосита алоқаларга кўра маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятлар 99,3 процент бажарилди. Истеъмолчиларга 2,8 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берилмади.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1988 йилнинг биринчи ярим йилидагига нисбатан 2,7 процент кўпайди, жумладан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш («А» группаси маҳсулоти) 1,8 процент, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш («Б» группаси маҳсулоти) 5,3 процент ортди. Меҳнат унумдорлиги 4,1 процент ошди. Саноат маҳсулотининг бутун ўсишига ходимлар сонини камайтириб, меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди. Саноат маҳсулотининг таннархи арзонлашди. Фойда 6 процент кўпайди, пландан ташқари кўрилган фойда 6,2 миллиард сўм бўлди.

Маҳсулотнинг давлат қабули шароитида ишлаётган саноатдаги корхоналар ва бирлашмаларда биринчи ярим йилликда 7,7 миллиард сўмлик, яъни 8 процент маҳсулот биринчи тақдимда қабул қилинмади; 49 миллион сўмлик маҳсулот узил-кесил бракка чиқарилди.

Текшириш натижаларига кўра, сўнгги бир ярим йил ичида фойдаланишга топширилган ҳар уч янги объектнинг иккитасида қувватларни ўзлаштиришнинг белгиланган муддатларига риоя қилинмади. Халқ хўжалигида янги қувватларни ўзлаштиришдаги қолоқлик оқибатида биринчи ярим йилликда қарийб 0,7 миллиард сўмлик маҳсулот олинмади.

Ёқилғи-энергетика комплексининг корхоналари газ ва кўмир қазиш топшириқларини бажардилар. Топшириқларга қўшимча тарзда 4,7 миллиард куб метр газ, 8,1 миллион тонна кўмир, жумладан, кокслаш учун 3,4 миллион тонна кўмир қазиб чиқарилди. Газ конденсатини ҳам қўшиб ҳисоблаганда нефть қазиб олиш топшириғи бажарилмади.

Металлургия комплексининг корхоналари мисдан ташқари қора ва рангли металлургия маҳсулоти асосий турлари бўйича давлат буюртмасини бажардилар. Шу билан бир қаторда совуқ ҳолда тайёрланган навли пўлат, пармалаш учун жуда мустаҳкам қувурлар ва насос компрессор қувурлари ва бошқа бир қанча буюмлар сингари металл маҳсулотининг прогрессив турларини тайёрлашда ҳали ҳам қолоқлик бор.

Машинасозлик комплексида топшириққа мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш умуман саноатдагига нисбатан 1,6 баравар илдамроқ бориши таъминланди. Рақамли программа билан бошқариладиган металл қирқиш станоклари, ҳисоблаш техникаси воситалари, қуйилмаларни узлуксиз тайёрлаш учун машина ва ускуналар ишлаб чиқариш жадалроқ суръатлар билан кўпайтирилди. Енгил саноат ва агросаноат комплексининг қайта ишловчи тармоқлари учун технология ускуналари юзасидан берилган давлат буюртмаси топшириғи бажарилди. Ўзгарувчан ток электр двигатели, нефть аппаратлари, экскаваторлар бўйича план топшириқлари бажарилмади.

Химия-ўрмон комплексида қониқарсиз аҳвол вужудга келди. Синтетик аммиак, каустик ва кальцийлаштирилган сода, сульфат кислотаси, шунингдек иморатбоп ёғоч-тахта ва товар целлюлоза ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши таъминланмади, минерал ўғитлар, поливинилхлорид смоласи, ёғоч-тахта, картон ишлаб чиқариш ҳажмлари камайди.

Қурилиш комплекси корхоналари умуман, цемент, асбест, цемент қувурлар ва муфталар, қурилишбоп ғишт ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқларни муваффақиятли бажардилар.

Агросаноат комплексида биринчи ярим йилликда 68,3 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилди, бу ўтган йилнинг шу давридагидан 2,9 процент кўпдир. Ярим йил мобайнида гўшт етиштиришнинг кўпайиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 211 минг тоннани, сут етиштириш 851 минг тоннани ташкил этди.

Барча категориялардаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари харид ҳажмлари амалда кўпаймади.

10 июлга қадар 2,1 миллион тонна сабзавот харид қилинди, бу топшириққа нисбатан 17,4 минг тонна ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 0,8 процент кўпдир.

Қишлоқ хўжалик корхоналари баҳорги экинлар экишни якунладилар, кузги-қишки даврда 4,7 миллион гектар майдонда нобуд бўлган кузги экинлар қайтадан экилди. 1989 йил ҳосили учун экин майдонлари 209,3 миллион гектар ерни, жумладан, дон ва дуккакли дон экинлари майдони 112,9 миллион гектарни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигига ярим йилда 155 минг трактор, 131 минг юк автомобили етказиб берилди, бу ўтган йилги даражадан ва колхоз ҳамда совхозларнинг буюртмаларидан анча камдир. 13,9 миллион тонна минерал ўғит (тўйимли моддалар 100 процент деб ҳисобланганда) етказиб берилди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўғит етказиб бериш 486 минг тонна кам бўлди.

Агросаноат комплексининг равнақига (қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланган тармоқларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда) маблағ билан таъминлашнинг барча манбаларидан 27 миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ сарфланди.

Давлатнинг марказлаштирилган капитал маблағлари ҳамда корхоналар ва ташкилотларнинг фондлари маблағлари эвазига асосий фондларни фойдаланишга топшириш бор-йўғи 48,9 миллиард сўмни ташкил этди, бу эса (корхоналар ва ташкилотларнинг жами планларига нисбатан) йиллик топшириқнинг 26 процентига баробардир. Биринчи ярим йилликнинг қувватларни ишга тушириш программаси бажарилмади.

Январь — июнь ойларида давлатнинг 45 миллиард сўмлик марказлаштирилган капитал маблағларидан ёки йиллик лимитнинг 44 процентидан фойдаланилди. Корхоналар ва ташкилотлар капитал қурилишда ўз маблағларининг 39,4 миллиард сўмидан фойдаландилар. Бу йиллик лимитнинг 43 процентига баробардир. Бюджет маблағларини қисқартира бориш билан бир пайтда корхоналар ва ташкилотларнинг фондларидаги маблағлардан тўланадиган инвестиция ҳажмлари кўпайди.

1989 йилда инвестиция ресурсларини сочиб юборишга барҳам берилмади. Ишлаб чиқаришга оид қурилишнинг кўлами камаймаяпти. 1 июлга қадар давлат капитал маблағлари эвазига бунёд этилаётган чала қурилишлар ҳажми 192,6 миллиард сўмга етди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бу кўрсаткич 13 процент кўпайди. Марказлаштирилган маблағлар эвазига амалга оширилаётган қурилиш ҳиссасига ана шу кўрсаткич ўсишининг ярмидан кўпроғи тўғри келади.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари бажарган пудрат ишлари ҳажми 0,3 процент ортди, меҳнат унумдорлиги 3,7 процент кўпайди.

Юкларни жўнатиш плани темир йўл транспортида 100,7 процент, ички сув йўлларида 106,8, автомобиль транспортида 101,4, денгиз транспортида 106,5 процент бажарилди. Айни вақтда транспорт корхоналари қабул қилиб олган юкларни жўнатиш топшириғи ўтган йилнинг шу давридаги даражадан кам бўлди (олис Шимол районлари ва унга тенглаштирилган районларда денгизда юк ташишдан ташқари). Умумфойдаланишдаги транспорт пассажир обороти 2,3 процент кўпайди ва 536,5 миллиард пассажир-километрни ташкил этди. Умумфойдаланишдаги пассажир ҳаракат составининг сафарнинг сўнгги бекатига келиш жадвали ҳамон бузилиб турибди. Транспорт воситалари аварияси сабабидан талафотлар кўпайиб бормоқда.

Алоқа корхоналари аҳолига 1,9 миллиард сўмлик хизмат кўрсатдилар. Бу ўтган йилнинг январь — июнь ойларидагига нисбатан 9 процент кўпдир. План 103,8 процент бажарилди.

Биринчи ярим йилликда экспорт-импорт операциялари ҳажми 67,3 миллиард сўмга етди, экспорт қилиш ўтган йилнинг шу давридаги даражага яқин бўлди ва 33,1 миллиард сўмни ташкил этди, чет элдан маҳсулот сотиб олиш 34,2 миллиард сўмга етди ва 2,3 процент кўпайди. Шу даврда социалистик мамлакатлар ва ривожланган капиталистик мамлакатлар билан савдодаги ташқи савдо операциялари сальдоси салбий бўлди.

Бевосита алоқалар доирасида экспорт-импорт операциялари кўпайганига қарамай ушбу операциялар ҳажми мамлакат ташқи савдо оборотида 1,5 процентни ташкил этади. 1 июлга қадар СССР территориясида 680 та қўшма корхона борлиги қайд этилди.

(ТАСС).

Бугун—СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти куни



ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОН

Бугун Ҳарбий-Денгиз Флоти кунида она-Ватанимиз ҳарбий денгизчиларини, флот ветеранларини, олимлар, кемасозлик саноати инженерлари ва ишчиларини, давлатимизнинг денгиз қудратини мустаҳкамлаш учун меҳнат қилаётган барча кишиларни шарафлайди. Совет кишилари Ҳарбий-Денгиз Флотининг инқилобий ва жанговар анъаналари билан фахрланадилар.

Совет Ҳарбий-Денгиз Флоти Ватанимизнинг жанговар шуҳрати йилномасида кўплаб қаҳрамонлик саҳифаларини яратди. Чет эл босқинчилари ва инқилоб душманларига қарши Қизил Армия жангчилари билан биргаликда курашган ҳарбий денгизчилар Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишдек муқаддас ишга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларини тор-мор қилишда ҳам ҳарбий денгизчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Ҳарбий-Денгиз Флоти денгизолди йўналишидаги, кўл ва дарёлар атрофидаги барча мудофаа ва ҳужум жангларида иштирок этди. Душман кемаларига қақшатгич зарба бериб, бизнинг денгиз орқали ўтган алоқа йўлларимизни ҳимоя қилди. Десант тушириш, қўшинларни, қурол-яроғларни ташиш ишларини бажарди.

Урушдан кейинги йилларда СССР Ҳарбий-Денгиз Кучлари составида туб ўзгаришлар рўй берди. У ракета ядро қуроли билан таъминланди. Ҳарбий денгизчиларнинг тинч шароитдаги меҳнати жасорат ва шон-шуҳратнинг янги-янги намуналари билан бойиди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 43 сессиясида мамлакатимиз томонидан ялпи хавфсизлик механизми ролини кўтаришга қаратилган кенг программа эълон қилинди. Совет Иттифоқи Ҳарбий-Денгиз фаолиятини чеклаш масаласини ҳал этиш учун ҳарбий-денгиз соҳасида ишонч чораларини кўпайтиришни таклиф қилмоқда.

СССР ўзининг мудофаа назариясига амал қила бориб, мудофаа учун онгли ва етарлилик йўлини амалга оширишни кўзда тутмоқда. Совет Ҳарбий-Денгиз Флоти СССР Қуролли Кучларининг бошқа турлари каби мамлакатимиз мудофааси учун зарур бўлган миқдорда тараққий этмоқда. Атлантика, Шимолий Муз, Тинч океанларида, Узоқ ва Яқин Шарқда денгиз чегараларимизни ҳушёр туриб қўриқламоқда. Совет кишилари ва социалистик мамлакатлар халқларининг осойишталигини таъминламоқда.

Ҳарбий денгизчилар бундан буён ҳам Ватанимизнинг океанлардаги қалқони мустаҳкам бўлиши учун бутун куч ва имкониятларини ишга соладилар.

СУРАТДА: Ленинград ҳарбий-денгиз базасининг энг яхши денгизчиларидан II ранг старшинаси А. Ахметов ва аълочи денгизчи Э. Повилайтис.

О. ПОРОХОВНИКОВ сурати (ТАСС).

ЙЎЛИМИЗ БИР, ТАҚДИРИМИЗ БИР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномасини меҳнаткашлар қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Меҳнат коллективларида, турар жойларда бўлаётган митинглар ва йиғилишларда СССРдаги юздан кўпроқ миллатлар ва элатларнинг вакиллари яшаётган республикамизда миллатлараро нифоқларга ўрин бўлмаслиги керак, деб таъкидланмоқда. Биз биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, баҳамжиҳат бўлиб қайта қуришни олға силжитишимиз, Ўзбекистондаги барча аҳолининг турмушини яхшилашимиз мумкин. Можароларга чек қўйиб, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этишимиз керак.

Митинглар ва йиғилишларда партия, совет ходимлари, СССР халқ депутатлари фаол иштирок этмоқдалар.

● Когон районидаги «Когон» совхозида бўлган митингда марказий ремонт устахонасининг слесари А. Раҳмонов бундай деди:

— Коллективимизда беш миллат вакиллари — ўзбеклар, татарлар, турклар, қозоқлар, туркманлар меҳнат қилишади. Уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик, бир-биримизга ҳурматда бўлишимиз ишимизга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Фарғона водийсида содир бўлган воқеа қайта қуриш душманларининг қилмишидир, бу социал муаммолар тўпланиб қолганлигининг натижасидир.

— Ўзбеклар — тинчликсевар, дўстона халқдир, — деди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, совхоз учинчи бўлимининг бошқарувчиси А. Исмоилов. — Фарғонадаги воқеалар биз учун кутилмаган воқеадир. Бу бўлимимиз деҳқонларини жиддий ташвишга солиб қўйди. Одамлар жиноятчи унсурларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатларини қаттиқ қораламоқдалар. Биродарларимиз бўлган месхети турклари қадрдон ерларига қайтишлари керак. Республикамиз партия ва ҳукуматининг даъвати республикадаги ҳар бир кишининг дилида акс-садо берди.

● Намангандаги шойи ишлаб чиқариш бирлашмасида Мурожаатномани муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш бўлди. Қайта қуриш жамият ва мамлакатдаги аҳволни беқарорлаштиришга ётган бир шароитда нималар қилиш лозимлиги ҳақида рўйрост гаплашиб олинди. Соғлом кучларнинг бирлашиши, ҳар хил миш-мишлар ва уйдирмаларнинг пайини қирқиш билангина ана шу иғвогарликларга зарба бериш мумкин.

Йиғилишларда сўзга чиққан цех раҳбарлари, ишчилар одамларнинг фаровонлигини ошириш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Бу ҳар бир ходимнинг меҳнатдаги улушига боғлиқ бўлиши таъкидланди. Касаба союз ташкилотлари ишчилар ва хизматчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишар экан, қатъийроқ позицияни эгаллашлари керак.

● Жиззахдаги ип йигирув фабрикасида кўп киши қатнашган митинг бўлди. Йиғинда сўзга чиққан партия комитетининг секретари А. Тўрақулов, йигирувчилардан А. Турсунова, Н. Сафина ва бошқалар меҳнаткашларни қайта қуриш ғоялари ва ленинча миллий сиёсат принциплари тантана қилиши учун куч-ғайратни бирлаштиришга даъват этдилар.

Тарғибот ишини кучайтиришнинг муҳимлиги, можаролар содир бўлганда ҳамма нарсани очиқ-ойдин айтиш зарурлиги таъкидланди. Шундай қилинса, нотиқларнинг фикрича, жамиятни таҳликага солаётган миш-мишларга барҳам бериш, содир бўлаётган кескинликка чек

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИ

28 июль куни РСФСР Олий Советининг сессияси Катта Кремль саройида ўз ишини иккинчи кун давом эттирди.

В. И. Воротников, Н. И. Рижков, В. М. Чебриков, В. А. Власов ўртоқлар президиумдан жой оладилар.

СССР халқ депутатлари съездининг йўл-йўриқларига мувофиқ халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш юзасидан Россия Федерацияси совет ва хўжалик органларининг вазифалари тўғрисидаги масалани му-

Депутатлар ўз нутқларида халқ учун товарлар ишлаб чиқаришдаги ишларнинг аҳволи кўнгилдагидек эмаслигини айтиб, анчагина муаммоларни тилга олдилар. Вазиятни тубдан ўзгартириш учун албатта вақт керак, дейишди нотиқлар. Аммо шу билан бирга одамлар учун ҳозирнинг ўзидаёқ амалга ошириш зарур ва мумкин бўлган ишларда сусткашлик қилиш, уларни орқага суриш мумкин эмас.

Энг муҳим масалаларни ҳал этишга сусткашлик билан муносабатда бўлаётган кўпгина

нинг раҳбарлари кескин танқид қилиндилар. Холодильниклар, тикув машиналари, сирланган идиш-товоқлар, велосипедлар, пойабзал ишлаб чиқариш ғоят секин кўпаймоқда, телевизорлар, радиоприемниклар ва мотоцикллар ишлаб чиқариш эса ҳатто камайиб кетди. Айни пайтда республика халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида ишлаб чиқариш қувватлари тўла иш билан таъминланмаган. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формалари кенг ёйилмаган.

чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш биринчи галдаги вазифа деб аталди. Депутатлар республика Министрлар Совети ишлаб чиққан таклифларни ижобий баҳоладилар. 1990 йилда 151 миллиард сўмлик шундай моллар ишлаб чиқариш кўзда тутилади. Бу 1989 йилги контрол рақамларга нисбатан 28,3 миллиард сўмлик ёки 23,1 процент кўп бўлади.

РСФСР Олий Совети муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Сессия фармонларни тасдиқлади, тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилди.

Шу билан ўн биринчи чақириқ РСФСР Олий Советининг ўнинчи сессияси ўз ишини

КОМИССИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ МАЖЛИСИ

СССР Олий Совети гражданларнинг айрим тоифалари фойдаланаётган имтиёзларни кўриб чиқиш учун тузган комиссия 28 июль куни Кремлда ташкилий мажлисини ўтказди. Мажлисни комиссия раиси — СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Е. М. Примаков олиб борди.

Сўзга чиққан кишилар улар ҳал қилиши лозим бўлган вазифаларнинг социал жиҳатдан ўткирлиги ва долзарблигини таъкидладилар.

Олий Советининг кузги сессияси бошланишидаёқ унинг тасдиқлаши учун тақдим этиш тўғрисида якдиллик билан фикр билдирилди. Шу муносабат билан комиссия имтиёзлар ва афзалликларнинг таркиб топган системасини таҳлил қилишни тезлаштиришни таклиф қилиб, СССР Министрлар Советига мурожаат этишга аҳд қилди. Маълумки СССР халқ депутатлари съезди СССР Министрлар Советига бу ишни йил охиригача амалга оширишни топширган эди.

• Ахборот

АДИБ НОМИ БЕРИЛДИ

Кенг китобхонлар оммаси, адабиёт мухлислари ёзувчи Мирзакалон Исмоилийни ажойиб насрий асарлар муаллифи сифатида яхши билишади ва эслашади. Яқинда адибнинг 80 йиллик юбилейи муносабати билан у туғилган Хўжаобод район, Булоқбошн қишлоғидаги Андижон кўчасига ва марказий кинотеатрга Мирзакалон Исмоилий номи берилди. Булоқбошиликлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Хўжаобод район Совети ижроия комитетининг бу хайрли ишидан мамнун бўлдилар.

М. АБДУҚОДИРОВ.

АСР ОШГАН ОТАХОН

Косонсой районидаги Кўйбишев номли колхозда Раззоқовлар хонадони эшигидан ўтган киши бу даргоҳга меҳр билан кўз ташлайди. Хонадонда Абдуҳамид ота Раззоқов яшайди. 104 ёшга кирган бу, отахон ҳаммани чин дилдан алқаб, ўзининг босиб ўтган машаққатли ҳамда мазмунли ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилиб беради. Отанинг ўғил-қизлари, нева-чевералари йиғилса бир ҳовли бўлади. Улар ҳаммаси бўлиб 76 кишидир.

Т. БУХОРОВ.

• Юз йил муқаддам

КАРТОШКА ТОШКЕНТГА ҚАЧОН КЕЛГАН?

Англия қироличаси Елизавета даврида мамлакат мустамлакаси бўлмиш Америкадан турли бойликларни олиб келишиб, унга тортиқ қилишар эди. Бундан 400 йил илгари, яъни 1586 йили кема капитани Дрек қимматбаҳо забуржнатлар ўрнига, турли қушлар, ҳайвонлар билан бирга картошка ҳам ортиб келган. У қироличанинг олдига ташриф буюрганда: «Мен олиб келган нарсаларнинг ичида ҳатто олтиндан ҳам қимматли нарса бор», деди.

Қиролича қимматбаҳо нарса нима экан, — деб сўраганда Дрек картошкани кўрсатиб, унинг фазилати ҳақида сўзлаб беради. Ундан неча хил овқат тайёрланиши, ҳатто нон ўрнида ҳам ейилиши мумкинлигини айтади. Бунга қизиққан қиролича дарҳол ундан овқат тайёрлашни буюрган. Бу овқатдан еб кўрган қиролича ва Дрекнинг дўстларига картошканинг мазаси ёқиб қолди. Бу Россияда император Екатерина II даврида пайдо бўлди ва нозу-неъматлардан бирига айланди.

Ўзбекистонда картошка биринчи марта 1840 йиллардан бошлаб экила бошлаган. «Туркестанское ведомости» газетасининг 1873 йили 47-сонида ёзилишича «бог-роғга кўмилган Нўғайқўрғон (ҳозирги Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз) қишлоғида экила бошлаган экан. Бу қишлоқ Салор арғинининг чап қирғоғига жойлашган бўлиб, у ерда 30 чоғли хонадон — Россиядан кўчиб келган нўғойлар жойлашган эди. Бу қишлоқнинг кўчалари ҳам анча кенг, тўғри планировка қилинган бўлиб, маҳаллий халқ қишлоқларидан анча фарқ қилади,» дейилади.

Тўпловчи Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

• Билиб қўйган яхши

ДЕҲҚОН АЁЛ ДИҚҚАТИГА

Саратон оташ нафасини бутун борлиққа пуркамоқда. Бундай пайтларда дала шароитида, очиқ ҳавода кўпроқ ишловчи аёллар ўзига хос қоидаларга риоя қилишса, айни муддао бўлади.

Кун қизиғида аёллар ўзини қуёш нуридан ҳимоя қила билишлари лозим. Бошга оқ сурп дуррача, пешбанд ўраш, соябонли бош кийим кийиш, ҳимоя кўзойнаги тақиш зарур. Кийимлар эса мавсумий, оддий, бемалол ҳаракат қилишга мос бўлгани маъқул. Сунъий газламалар, чунончи, капрон, лавсан, нейлон кабилардан тикилган кийим-бош билан дала юмушларини бажариб бўлмайди. Пойабзаллар ҳам муносиб, ҳатто каттароқ бўлгани маъқул. Чунки, бундай кийимлар одам танасида содир бўладиган турли ўзгаришлар жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Дала шийпонларида аёллар орасталиги учун алоҳида хоналар бўлиши, гигиенага онд ашёлар билан жиҳозланиши лозим. Кўчма дўконларда санитария-гигиена буюмлари билан мунтазам савдо уюштириб туриш ҳам кўпчиликка маъқул келмоқда.

Дала юмушларини бажаришда, дам олиб, ҳордиқ чиқаришда, овқатланишда, хуллас кундалик ҳаётда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш саломатлик омилларидан. Ишдан кейин, овқатланишдан олдин юз-қўлни ювиш каби ажойиб одатларимиз бор. Шунинг учун хотин-қизларимиз заҳарли химиявий моддалар билан «муомаладан» кейин устки кийимларини ечиб, қўлларини содали сув, сўнгра совун билан ювиб, оғиз чайқаб, кейин тамадди қилишларини маслаҳат берамиз. Ариқ, зовур, тарнов сувига ювиниш ярамайди. Фақат водопровод, махсус цистерналарда келтирилган артезиан сувини ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари дала кийим-кечаклари билан уйга кириш ҳам яхшимас. Бошқа, жомакорлар зарарли нарсалар билан ифлосланган бўлади. Шунга ўхшаш шарт-шароит, ўзига хос қоидаларга риоя қилинса, табиатан покиза, нозик дидли аёлларимиз саломатлигини муҳофаза этган, баракали меҳнат қилишлари учун имконият яратган бўладилар.

О. ИСҲОҚОВ,
Ўзбекистон санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти қошидаги гигиена лабораторияси мудири.

● ШАҲРИСАБЗДА бўлган ҳар бир киши уни ҳеч қачон унутолмайди. Ранг-баранг гулларга бурканган, эски чинорлар қулоч ёйганлиги учун ҳам бу ерни ям-яшил шаҳар, деб таърифлашади.

Бу тарихий шаҳар қадимда Кеш деб номланган. Буюк илк йўлни сўқмоқлари шу ердан ўтган. Бу ерда Амир Темур туғилган. Шаҳарда кўплаб халқ усталари, мусаввирлар тўпланган.

Хазрати Имом ансамблида масжид жойлашган. Бу ерда Амир Темурнинг катта ўғли, йигирма икки ёшли Жаҳонгир дафн этилган. Шаҳрисабз бешинчиси Тўра Ҳасанов эса нафис буюмлари билан танилган.

Р. ШАГАЕВ суратлари (ЎзТАГ).





• Хотира

ИРОДА

Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрида 1962 йил 7 мартда «Алишер Навоий» спектакли кўрсатиладиган кун эди. Севимли актёр Обид Жалилов одатдагидек вазмин қадам ташлаб, театр томон йўл олди.

У гримм хонада Мажидиддин қиёфасига кира бошлади. Ниҳоят томошабин уни саҳнада кўрди. «Алишер Навоий» спектакли 1945 йил 1 апрелидан буён неча марта қўйилган бўлса, Обид Жалилов Мажидиддин образини ҳар гал маҳорат билан гавдалантирган. Обид Жалиловга бу роль учун СССР Давлат мукофоти берилган эди. Спектакль тугагач, Обид Жалилов касбдош дўстларини уйига таклиф қилди... уларга севимли фарзанди, эндигина 20 баҳорни кўрган қизи Нозима бугун вафот этганини айтиб уйига шошилди. Артистлар бу хабарни эшитиб тошдек қотиб қолишди. Обид Жалилов бу муддҳиш хабарни, қалбидаги оғир дардини спектакль давомида томошабинлардан, саҳнадаги дўстларидан пинҳон сақлаганлиги, оғир пайтда Мажидиддиндек мураккаб одам тимсолига киргани, ўз дардини «унутиб», саҳнада қаҳрамони ҳаёти билан яшаши ҳаммани ҳайратда қолдирди.

А. ИНОҚОВ тайёрлаган.

Спорт ҳафталиги

● Ўтган ҳафта Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари программасидан ўрин олган мусобақаларнинг якунловчи баҳсларн ўтказилди. Украина шаҳарларида давом этган бу мусобақаларда республикамиз ёшлари бўлажак олимпиадачиларга хос маҳорат кўрсатишга уринди лар. Чунончи боксчиларимиздан 8 нафари чорак финалга йўланма олишди. Оғир атлетика, эшкак эшиш мусобақаларида вакилларимиз команда ҳисобида кучли олтиликдан жой олдилар. Лекин ёшларимиз спортнинг аксарият турларида имкониятларидан етарли фойдаланмадилар. Жумладан, футбол, қўл тўпи, мергенлик бўйича баҳсларда 9-13 ўринлар билан қаноатланиш кўпчиликни ранжитди.

● Халқаро футбол федерацияси ўзининг навбатдаги йиғилишида 12 та миллий футбол уюшмасига жарима солди. Халқаро футбол қоидаларига риоя этмаганлар орасида Ироқ терма командаси ҳам бор. Бу команда олимпиада турнирларн ва ёшлар мусобақаларида иштирок этишдан маҳрум этилди. Ўсмирлар жаҳон чемпионатида иштирок этган ироқликлар 20 ёшли футболчилар билан майдонга тушишгани ҳам қизиқ бўлди. Шуниигдек, футболчига номуносиб ҳулқ-атвори учун шотландиялик М. Жонсон беш минг, швед ўйинчиси С. Рейн 2,5 минг доллор ҳисобида жарима тўлайдиган бўлдилар. Жаҳон чемпионати сараласи учрашувларнин кўнгилдагидек ташкил этмагани учун Кувайт терма командаси 31 минг доллор жарима тўлайдиган бўлди.

● Яирик ва қизиқарли мусобақаларга ҳозирлик кўрилмоқда. Ватанимиз пойтахтида 3-12 август кунлари биринчи марта касаба союзлари Бутуниттифоқ ншчилар спартакиадаси ўтказилади. Ҳал қилувчи баҳсларда қишлоқ ва шаҳар командаларидан иборат 160 делегация, 3 минг спортчи қатнашиши мўлжалланмоқда. Ғаллаоролда эса Ўзбекистон хотин-қизлар спартакиадаси бўлади. Шу кунларда янги стадион фойдаланишга топширилиши учун ҳозирланмоқда.

● Иккинчи лиганинг Ўзбекистон зонасига кирувчи футбол коллективлари чемпионатининг ҳал қилувчи даврасн ўйинларини бошлашди. Пешқадам «Ёшлик» командаси бу сафар дам олди, Иккинчи ва учинчи ўринларда бораётган «Зарафшон», «Сурхон» командалари имкониятин бой беришди. Фарғонанинг «Нефтянник» футболчилари йирик ҳисобли ғалабага эришиб, 28 очко билан иккинчи ўринга кўтарилишди.

ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?



Ҳафта бошида Қозоғистон ва Ғарбий Сибирдан эсаднган салқин шамол Ўзбекистон районларида ҳавога булут кўтарилиши, ҳароратнинг пасайишига сабаб бўлади. Деярли ёғингарчилик кутилмайди. Фақат тоғли районларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳарорат кечалари 16-21, кундузлари 31-36 даражагача пасаяди. Жанубда ва чўл зоналарида кечалари 19-23, кундузлари 34-39 даража атрофида иссиқ бўлади. Кейинчалик ҳаво очилиб кетади. Ҳарорат кўтарилиб, кечалари 20-25, кундузлари 36-41, жанубий районлар ва чўл зоналарида 40-42 даражагача етади. Умуман, ҳароратнинг меъёридан ортиқроқ бўлиши кутилмоқда.

...САЛОМАТЛИК-ЧИ?

Н. А. Семашко номидаги соғлиқни қайта тиклаш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг фикрича об-ҳаводаги бундай ўзгаришларнинг ўзига хос таъсири бўлади. Чунончи ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳароратнинг кўтарилиши билан ҳавода кислород камайиб, атмосфера босими ошиши мумкин. Бундай пайтларда кислородга «ташна», юрак касаллигига чалинган, ўпка-нафас йўллари бетоб кишилар ўзларини ноҳуш сезадилар. Улар тез чарчаб, бўшашиб, юрак тепиши тезлашиб, кўкрак атрофида оғриқ сезадилар. Ҳатто тахикардия ҳолатлари ҳам юз бериши мумкин. Муолажа мақсадларида врачлар билан маслаҳатлашган ҳолда нафас олиш машқларини бажариш, бирмунча муддек сувларда ювиниш тавсия қилинади. Зарурятга қараб дармонбахш дорилардан фойдаланилса бўлади.



• Ўзбекистон ва жаҳон

ҲАШАР

Элтон Фэкс америкалик ёзувчи ва рассом. Бизнинг мамлакатимизга у бир неча марта келиб, Ўрта Осиё халқлари ҳаёти, урф-одатлари, ма данятлари билан танишган. Э. Фэкс еттита китобнинг муаллифи, 40 дан ортиқ китобга эса расм ишлаган. Элтон Фэкснинг «Қора кўзлар билан», «Ҳашар» ҳамда «Мен билан совет халқи» номли китоблари Ўзбекистон ва Ўрта Осиё республикалари тўғрисида. Унинг юқорида тилга олинган асарлари юртимизга қилган 1971 ва 1976 йилги сафарларидан сўнг яратилган.

Элтон Фэкс Америка Қўшма Штатларининг Мэриленд штатидаги Балтимор шаҳрида 1909 йили туғилган. Дастлаб нафис санъат бўйича олий маълумот олган. 1933 йили биринчи бор унинг асарлари кўргазмаси очилган. У Жанубий Америка, Африка, Европа мамлакатларининг кўпида бўлган. Мексикада яшаган, бизнинг мамлакатимизга кўп марта ташриф буюрган. «Ҳашар» номли китобига материал йиғиш мақсадида Ўзбекистон ва Ўрта Осиё республикаларида 1978 йили бир оз муддат туриб, юртимиз, халқимиз ҳаёти, маданияти, адабиёти билан батафсил танишган.

Ҳаётимиз билан танишиб, бир неча китоблар ёзганлигининг сабабини Элтон Фэкс қуйидагича изоҳлайди: «1971 йил мен Ўзбекистон ва Қозоғистонга келганимда, Совет ҳокимияти йиллари бу ерларида тараққиёт жуда юксалганлигини кўрдим ва бундан таъсирланиб, китоб ҳам ёзганман («Қора кўзлар билан»). Узим америкалик ҳисоблансам ҳам, асли Африкадан бўлганим учун, бу ерда кўрганларим жаҳолатга ва зулмга қарши курашда олган, ҳақиқий ва тўла озодликка интилган халқни тушунишга олиб келди... Социализм остида бу ерда эришилган тараққиёт ҳақида билганларим билимимга билим қўшибгина қолмай балки мен учун илҳом манбаи бўлиб хизмат этди» («Ҳашар», 10, 11-бетлар).

Элтон Фэкснинг ёзишича, Ўзбекистон билан албатта танишишни аслида унга 30-йиллари Тошкентда 7 йил давомида ишлаган ва шу ерда уйланиб, АҚШга қайтиб борган америкалик техник Жон Саттон маслаҳат берган. «Саттон айтган ушбу сўзларни мен ҳеч вақт ёдимдан чиқармайман, — деб ёзади Э. Фэкс «Ҳашар» китобида, — Ўзбекистон ва Ўрта Осиё республикаларидаги халқлар билан бизнинг жуда кўп ўхшаш томонларимиз бор, Элтон. Агар вақти келиб имконият бўлиб қолса, албатта у ерларга бор ва ҳаммасини ўз кўзларинг билан кўр» («Ҳашар», 62-бет).

Э. Фэкс китоблари ичида «Ҳашар» китоби алоҳида ўрин тутади. Бу китоб шу кунгача фақат инглиз тилида нашр этилган. Ҳатто Москвадаги «Прогресс» нашриётида ҳам у 1980 йили инглиз тилида чоп этилган. Бу китобида америка ёзувчиси инглиз тилига ўзбекларнинг «Ҳашар» сўзини олиб кирган. Ўз китобининг инглиз тилидагисига ҳам «Ҳашар» деб ном қўйганлигини муаллиф мана бундай тушунтиради: «Менинг мезбонларим нимани амалга ошираи бўлсалар ёки амалга ошираётган бўлсалар, тўғри қиладилар. Бунинг боиси — улар бирга ликда, ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиптилар. Ўрта Осиёдан бирёқлама фойдаланмай, масала моҳиятига чуқур ёндашишга уринади. «Менга айтишдики, — деб ёзади Э. Фэкс, — Тошкент университети Ленин декрети билан ташкил этилган. Даставвал 8 та факультет бўлган, ўша йиллари университет даражасида ўқий оладиган бирорта ҳам толиб ва толиба бўлмаган... Менимча, ҳар доим ҳам бу ерда шундай бўлмаганку. IX асрда Ўрта Осиёда улуғ математиклар яшаган. Математиканинг алгебра деб аталмиш соҳаси Хоразмийнинг асари номидан ҳосил бўлгандир. Бундан ташқари XIV—XV асрларда бу ерда ўзбек олими Улуғбек яшаган». («Ҳашар», 68—69-бетлар).

Э. Фэкс ўзбек ижодий зиёлилари тўғрисида илиқ фикрларни баён қилган: «Ўзбек рассомлари билан бизнинг учрашувимиз ғалаба кунига тўғри келди. Шундай улуғ кунда ҳам вақтларини аямасдан бизни самимий кутиб олганликлари учун улардан қаздормиз, — деб гапини давом эттиради у. — Табиатан ҳазилкаш, келишган, қоп-қора соқолли машҳур рассом Рўзи Чориев қисқа-қисқа сўзлаб рассомлар уюшмаси ҳақида гапирар, ҳамда чаққонлик билан менинг расмимни чизарди. Чизган расмини менга узатиб, имзо чекиб беришимни сўради. Бу бир зумда бажарилган иш эди. Мен мамнунлик билан унга имзо чекдим. Узим чизган расмларнинг бир нечтасини эсдалик учун қолдирдим. Бунинг эвазига у ўртоқлари билан менга бир неча ажойиб альбомларни беришди. Бу альбомларда улар чизган расмларнинг нусхалари ўрин олган эди» (105-бет) Э. Фэкс ўзининг «Ҳашар» китобига ҳам ўзи чизган ўзбек зиёлиларининг портретлари ҳамда суратларини илова қилган.

Янги тафаккур даврида камчиликларимизни эмас, балки ютуқларимизни қидириб топиб, улар ҳақида ёзиш, улардан ўрганиш керак. Америкалик ёзувчи, юртимизнинг ошиғи Элтон Фэкснинг китоблари яхши томонларимизни улуғлашга, дўстлигимизни мустаҳкамлашга хизмат этади.

Ҳ. ИСМАТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

• Ўтмиш садоси

САРКАРДА

Полковник княз Витгенштейн отдан тушиб генерал ҳузурига ошиқди.

— Олой маликасини олиб келганмиз!

Генерал-майор Скобелев ҳаяжон билан ўрнидан турди.

— Минатдорман, князь!

Скобелев чодирдан чиқиб узоқдан яқинлашиб келаётган отлиқларга қаради. Кейин атрофида турган офицерларга боқди.

— Подполковник Жўрабек!

— Майор Бобобек!

Офицерлар сафидан икки киши чиқиб, генерал олдида гоз қотишди.

— Жаноб офицерлар! Ҳозир ҳузуримизга келаётган аёлни кутиб олишни сизларга топшираман. Шарқона ҳурмат ва мулозамат ўрнига қўйилсин...

Барча номи тилларда достон бўлиб кетган Олой маликасини кўришга ошиқарди. Аёл саркардаининг навкарлари жанг-жадалларда кўрсатган жасоратлари ҳақида кўп гаплар тарқалган эди. Мана, ўша афсонавий Олой маликаси отда ўтирганча магрур бошини эгиб, Скобелев билан саломлашди.

— Асирингизман, генерал!

Скобелев қўлини кўксига қўйиб, эътироз билдирди:

—Сиз менинг азиз меҳмонимсиз, додхоҳ!

Подполковник Жўрабек ва майор Бобобек эҳтиром билан Олой маликасини отдан туширишга кўмаклашдилар.

— Чодир Сизга мунтазир, маликам!

Аёл уларга миннатдор боқиб, кулиб қўйди-да чодирга кирди.

— Хуш келибсиз, додхоҳ! Қани, дастурхонга марҳамат.

Дастурхон тўкин эди. Скобелев Олой маликасига чой тутди. Музокара бошланди.

Скобелев ва Олой маликаси чодиридан чиқишди. Иккисининг чеҳрасида табассум. Демак, музокаралар муваффақиятли ўтибди.

— Азиз меҳмонимиз, генерал Қурбонжон додхоҳ билан биз ўзаро тинчлик ҳақидаги битимга имзо чекдик. Энди Олойда... осойишталик бўлади.

«Ура» садолари атрофни тутди.

— Жаноб офицерлар! Мен давлатпаноҳ император ва Туркистон генерал-губернатори генерал-адютант Кауфман томонидан берилган ваколатларга таяниб, Қурбонжон додхоҳни шавкатли армиямиз генерал-майор унвони билан табриклайман ва миллий одатга кўра азиз меҳмонга тўн кийдираман.

Рус армиясининг энг ёш генерали, кейинчалик 1877—1878 йиллардаги рус—турк уруши қаҳрамони, донгдор саркарда Михаил Скобелев Ўрта Осиёлик бу аёлни ўзига тенг рақиб сифатида ҳурмат қилгани бежиз эмас. Оддий қирғиз аёли Қурбонжон Мамат қизи (1811—1907) бундай эътиборга халқ озодлиги учун фидокорона хизмати билан эришган эди.

...1901 йилда Тошкентга келган Россия империяси ҳарбий министри Алексей Куропаткин ўлкага сафар қилиб, Ўш шаҳрида Қурбонжон додхоҳ билан учрашди. Скобелев дивизиясининг собиқ штаб бошлиғи Куропаткин ўша пайтда 25 йил муқаддам бўлиб ўтган воқеани эслаб, Қурбонжон додхоҳга қимматбаҳо узук совға қилган. Кейинчалик ўғилларн билан Қўқон хони зулмига, амалдорларга қарши фаол курашган саркарда аёл ҳақидаги афсоналар ҳамон халқ тилидан тушмайди.

Ҳ. СОДИҚОВ.

• Пазанда маслаҳати

ЧАНҚОҚБОСДИ

Саратон жазирамаси... Кишининг томоғи қуриб, чанқайверади. Бонси, танадаги суюқлик тер билан кўплаб бўғланиб турадн, унинг ўрнини эса қоплаш зарур бўлади. Бироқ ҳадеб совуқ сув ичиш, айниқса қайнатилмагани кони зарардир.

Морс, квас, газли сув ва ҳар турли лимонадлар ҳам чанқоқни бир неча минутгина босади, холос. Сабаби, бундай ичимликлар ширинлидир. Аслида чанқоқни босувчи ичимликлар нордон, агар ширин бўлса мева шарбатларидан иборат бўлмоғи керак. Энди ором бахш айрим ичимликлар билан танишинг.

● **АЙРОН.** Ёғи олинган қатиққа бир неча бўлак холодильник музидан солиб ичланг. Стаканларга қуйиб дастурхонга тортинг. Бу ичимлик сизни 2-3 соатча чанқатмайди. Қатиққа қайнатиб совитилган сув қўшиб кўпиртириб, холодильникда сақлаб ичса ҳам бўлади.

● **МИНЕРАЛ АЙРОН.** Бир шиша кефирга бир шиша минерал сув қўшиб ичинг. Совитиб истеъмол этсангиз янада ҳузур қиласиз. Бу ичимлик ҳам 3-4 соатгача чанқатмайди.

● **ЧУЛИ.** Кейинги пайтларда бу ичимликнинг номи «компот» деиладиган бўлиб қолди. Аслида мевалариинг қайнатмаси ўзбекчасига чули ёки чулоб деб юритилган. Агар атиргул тожбаргларини асал билан қайнатиб ичилса номи гулоб деб аталган. Мевалари шакар билан қайнатиш кейинроқ урф бўлган. Илгари нордон мевалар асал билан қайнатиб ичилган.

Олма, олча, олхўри ва бошқа нордон мевалардан олиб, уруғ ва данагидан халос этиб, яхши ювиб пичоқ асал билан қайнатиб ичинг. 1 килограмм мевага 150 грамм асал, 2 литр сув ҳисобида олинади. 10 минутча қайнатиб, шабадада ёки сувда совутгач холодильникка қўйилади. Бу ичимлик (гулоб) шифолигидан ташқари 2-3 соатгача чанқатмайди.

● **МЕВА ШАРБАТЛАРИ.** Бир ёки бир неча хил мевалардан эзиб олинган шарбатни бир қайнатиб олиб, ҳавода ёки сувда совутиб, холодильникда сақлайсиз. Керагида олиб бир пиёласини ичсангиз ҳам ҳузур қиласиз, ҳам 2-3 соатгача чанқамайсиз.

● **ҚОВУН, ТАРВУЗ, БОДРИНГ.** Бу неъматларни сувга солиб, кўкатга ўраб ёки холодильникда совутгандан сўнг истеъмол этсангиз яхши чанқоқбости бўлади. Бодрингни эса арчиб туз сепиб ейиш керак. 2 дона бодрииг 2-3 соатгача чанқатмайди.

● **ЯХНА ЧОЙ.** Чойни дастлаб ҳавода ёки сувда совутгач ҳар пиёласига 1-2 чақмоқ холодильник музидан солиб, дастурхонга тортинг.

● **ИССИҚ КЎК ЧОЙ.** Ҳамма ичимликлар ичида қайноқ қина кўк чой чанқоқни яхши босиши кексаларга азалдан маълум.

Яхна ичимликлар ўз йўлига, лекин жазирама кунларн киши суюқлик кўп ичса ҳолсизланиб қолади. Баъзи кунлари 5 литргача суюқлик истеъмол этилади. Ошқозон-ичак, юрак-қон томир касалликлари бор беморлар учун бу жуда оғир. Қолаверса, асаби таранглар учун ҳам муздек ичимлик зарар қилади.

Яхшиси иссиқ кўк чой, эрталаб бир чойнак (0,5 литр) соат 12-13 ларда яна бир чойнак ва соат 17-18 ларда яна бир чойнак. Шунда сиз кунига ҳаммаси бўлиб 1,5 литр суюқлик ичган бўласиз. Иссиқ чой сувсираган аъзоларга, айниқса ҳужайраларга тез сингиб, 4-5 соатгача чанқатмайди.

Карим МАҲМУДОВ.



Илон ўлжаси. А. КОШКИН сурати (ЎзТАГ).

ҚИЗИҚ ГАПЛАР

● Краковдаги заргарлик магазини сотувчиси эътиборсизлик орқасида харидорга сотган совтидан тўрт ярим миллион злотих зарар кўрди. У баҳоси беш миллион злотихли совтни 500 минг янглишиб сотиб юборган. Сотувчига маъмурий жазодан ташқари кўрилган зарарни тўлаш хавф солиб турар эди. Маҳаллий матбуотда берилган хабар ҳам ёрдам беролмади. Кунлардан бир кун қиммат баҳо совтнинг эгаси топилиб қолди. Харидор буюмни магазинга қайтариб «беш миллионга совт олиш менга жуда ҳам оғир» деди ва Краковда эмаслигини айтиб кечирим сўради. Сотувчининг эса қувончидан кўзлари ёшланди.

Муҳаррир У. УСМОНОВ.

Р. — 04251. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Б. — 177. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12